

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

ОНА ТАБИАТНИ АСРАЙЛИК

Тошкент – 2006

0

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

ОНА ТАБИАТНИ АСРАЙЛИК

Методик-библиографик қўлланма

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
нашриёти

Тошкент – 2006

78.342

О 58

Илмий-методик бўлим томонидан тайёрланди

Тузувчи **Н. Анварова**
Муҳаррир **Ҳ.Маматраимова**
Масъул муҳаррир **О. Қиличбоев**

Она табиатни асрайлик: 5 июнь Халқаро атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни муносабати билан: Метод.-библиогр. қўлл. /Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси; Тузувчи Н. Анварова; Муҳаррир Ҳ.Маматраимова; Масъул муҳаррир О.Қиличбоев.-Т.:Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси нашриёти, 2006.-64 б.

КБК 78.342:20.1

Ушбу методик-библиографик қўлланма кутубхоналарда “Халқаро табиатни муҳофаза қилиш куни”га бағишланган бўлиб, қўлланмада экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисида умумий маълумотлар, Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни, ахборот-кутубхона ва ахборот ресурс марказларида ўтказиш мумкин бўлган тадбирлар туркуми ва адабиётлар рўйхати берилган.

Қўлланмадан кутубхоначи ходимлар, табиатни муҳофаза қилиш ходимлари ва шу соҳага қизиқувчи китобхонлар фойдаланаишлари мумкин.

**© Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
нашриёти, 2006 й.**

Муқаддима

“Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар”

*Ўзбекистон Республикаси
Конституциясининг 50 моддаси*

Инсон яшайдиган табиий шароитлар мажмуи “атроф-муҳит” деб аталади. Табиат ана шу муҳитнинг ажралмас қисмидир. Уни “географик муҳит” деб ҳам аташ мумкин. Инсон уни билишга, ўрганишга қодир Одам биологик тур, тирик мавжудот сифатида ўзининг ҳаётий фаолияти давомида табиатга таъсир кўрсатади. Инсоният, ҳайвондан фарқли ўлароқ, ўзининг меҳнати натижасида табиатни ўзгартиради. Табиат абадий мавжуд, бироқ ундаги ҳодисалар ва жараёнлар ўткинчидир.

Табиат кишилиқ жамияти тараққиётининг барча босқичларида инсоннинг ҳаётий фаолияти учун энергия ва моддалар манбаи бўлиб хизмат қилган. Инсон табиат билан чамбарчас боғлиқ. Бошқача айтадиган бўлсак, табиат инсон учун том маънода онадир. Табиатда мавжуд бўлган бойлиқлар кишилиқ жамияти яшайдиган ва ривожланадиган база, одамларнинг ўз моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондирадиган асосий ва дастлабки манбадир.

Инсон қадами етган жой обод бўлади, инсон қадами етган жой... Нимага ишора қилаётганимизни англагандирсиз. Бугун атроф-муҳит, экология билан боғлиқ муаммо шундай фикрлашга мажбур этмоқда. Инсоният, тараққиёт атроф-муҳитга шу даражада озор етказмоқдаки, энди ўч олиш навбати табиатга келди. Буни кўнгилга ғулғула солиш учун айтмаяпмиз. Юзага келган глобал муаммолар шундан далолат бермоқда.

Инсон томонидан табиатнинг ўзлаштирилиши, табиат учун хос бўлган қонунлар ва жараёнларнинг бузилиши одамларнинг нафақат соғлигига, балки уларнинг ер юзида яшашига хавф туғдира бошлади.

Табиий муҳит-ҳаёт ва инсоният маконидир. Табиат ниҳоятда мукамал бўлиб, унинг бир маҳсули иккинчисига озуқа ҳисобланади ва кўпайишга имкон беради.

Техника тараққиёти табиий бойликлардан фойдаланишни ва табиий муҳитни захарловчи моддалар билан шикастланишини меъеридан ошириб юборди. Натижада табиий мувозанат бузилмоқда. Ҳаво, сув ва тупроғи ўзгарган, бузилган ҳудудлардаги ўрмонлар йўқолиб, уларнинг ўрнини чўллар ва саҳролар эгалламоқда. Ёввойи ҳайвонлар, балиқлар ва қушлар қирилиб бормоқда, инсоният саломатлигига зиён етмоқда. Шунинг учун ҳам табиатни муҳофазалаш ишлари давримизнинг сиёсий, иқтисодий, техник ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлган муаммоларидан бирига айланди. Табиат қонунларига эътиборсизлик оқибатида халқ хўжалигига зиён етмоқда, ернинг чўкиши ва сурилиши, сел каби ҳавfli ҳодисалар кўпаймоқда, ичимлик сувларининг ифлосланиши эса сув танқислигини юзага келтирмоқда.

Кейинги йилларда Республикамизда табиатни муҳофаза қилишга эътибор кучайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг “Ўзбекистон XX аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида ҳам табиатни муҳофазалашга алоҳида эътибор берилган. Лекин бузилган муҳитни тиклаш уни асраб қолишга нисбатан жуда қийиндир. Шунинг учун ҳам Орол денгизининг табиий ҳолатини тиклаш масаласи ҳозирги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

“Экология” грекча сўз бўлиб, яшаш жойи ва муҳит ҳақидаги фан маъносини англатади. Бу сўз кўп вақтгача,

асосан, биология фанида қўлланиб келинган. Ҳозирги даврда унинг луғавий маъноси кенгайиб, у табиий, техника ва ҳатто ижтимоий фанларга ҳам кириб бормоқда. Экология фани ниҳоятда кўп тармоқлидир, масалан, биоэкология, гидрометеозэкология, саноат экологияси ва ҳоказо. Экология тармоқлари ҳақида кўп маълумотларни ёзишимиз мумкин. Шундай экан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳар биримизнинг бурчимиз эканлигини унутмаслигимиз муҳимдир.

Ҳар йили 5 июнь “Ҳалқаро атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни” муносабати билан юртимизда ҳар хил тадбирлар ташкил этилади.

Бу борада ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни муносабати билан адабий-бадиий тадбирлар, экология кунлари, давра суҳбатлари, табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари билан учрашувлар ташкил этиш одат тусига айланмоқда, бу ишларнинг мақсади, албатта ижобий томонга қаратилган.

Республика ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларининг вазифаси атрофимиздаги оламнинг кун сайин заҳарланиб бораётгани ва бу глобал муаммога китобхонлар ва ҳар бир фуқаронинг имкон қадар қарши курашишига даъват қилишдан иборат.

Бу ишда ахборот-кутубхона ва ахборот ресурс марказларининг адабиётлар тарғиботининг китоб тақдими, илмий-амалий конференция, китобхонлар конференцияси, савол-жавоб кечалари, давра суҳбати, мавзули ва мунозара кечалари, санъаткорлар иштирокида бадиий кечалар, адабий-бадиий сахналаштирилган мусиқали кечалар, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ташкилотлари билан учрашувлар, экофестиваллар, табиатни тасвирлаш бўйича расмлар кўргазмаси, китоб кўргазмалари сингари турли-туман шакл ва усуллардан фойдаланишлари мумкин.

Бундай тадбирларни ташкил этиш учун ахборот-кутубхона ва ахборот ресурс марказларида китобхонларга мавзу-

нинг долзарблигини ва унинг моҳиятини очиб беришда эколог олимлар, шу фан соҳаси бўйича тадқиқот олиб бораётган фан номзодлари, геологлар, журналистлар, география фани ўқитувчилари, санъаткорларни жалб қилиш лозим.

Ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларига: “Экосан” ташкилотининг жойлардаги бўлимлари, “Соғлом авлод учун”, “Қизил ярим ой жамияти”, “Маҳалла” жамғармалари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Камалак” болалар ташкилотлари ҳомийлигида тадбирлар ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу методик-библиографик қўлланма кутубхоналарда “Халқаро табиатни муҳофаза қилиш куни”га бағишланган тадбирларни ўтказишда ёрдам бериш мақсадида тузилган.

Экологик маданият шаклланиши тарихидан

Одам ҳам барча тирик жонзотлар сингари табиатнинг бир қисми бўлиб, у табиат билан тирик. Табиат эса инсоният яшашини таъминловчи табиий ресурслар манбаидир.

Табиатга бўлган муносабат Шарқ халқлари тарихида ўзгача хусусиятга эга. Шарқ халқларининг табиий ҳодисаларга бўлган диний нуқтаи назарини тасвирловчи “Авесто”, “Қуръони Карим”, сўнг эса “Ал-жомийъ ас-сахих” каби муқаддас китоблардаги баъзи маълумотлар бундан яққол далолат беради.

Улар орасида бизнинг минтақа халқлари учун “Авесто” алоҳида ўрин тутади. Зардўштнинг айтишича, Ахурамазда (илоҳий билим) барча маҳлуқотларнинг, жумладан, асотир санамларнинг ҳам яратувчисидир. Зардўштийликда табиат унсурлари бўлмиш ер, сув, ҳаво ва олов муқаддас ҳисобланган, шунинг учун “Авесто”да табиатни яъни сув,

тупроқ, олов, ҳаво, қуёшни эъзозлаш ва инсоннинг яратувчанлик меҳнатини улуғлаш бирламчи аҳамият касб этади.

Она замин табиатнинг ажралмас бўлаги, шу сабабли аждодларимизнинг ерга меҳри ўзгача бўлган. Она заминни эҳтиёт қилишда сир-асрор мўл-кўл, каромат қаттадир, чунки ер барча бойликнинг асоси, бутун тирикликнинг манбаидир.

“Авесто”да ҳайвонларга озор бермаслик, уларни асраш чора-тадбирлари тўғрисида, турли хил сувлар ва уларнинг фойдаси ҳақида ёзилган. “Авесто”да “Сувлар қасидаси” деган махсус бўлим бўлиб, унда Марказий Осиёнинг йирик дарёларидан бири-Амударё ҳақида сўз юритилади. Бундан ташқари, “Авесто”да Марказий Осиё ва қўшни мамлакатлар табиий ресурслари, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси ҳақида кенг қўламдаги маълумот берилади.

Ислом таълимотида экология муаммосига алоҳида эътибор берилган. “Фурқон сураси”нинг 2-оятида: “Аллоҳ ҳамма нарсани яратди ва ўлчовини мукамал қилди”, дейилади. Яъни дунёдаги ҳар бир нарса-сув ҳам, тупроқ ҳам, ҳаво ҳам, ҳайвонот олами ҳам, набобат олами ҳам Аллоҳ таоло томонидан муайян ўлчов билан бир-бирига ўзаро боғлиқ қилиб яратилган. Агар бу мувозанатлик бузиладиган бўлса, табиат учун, шу жумладан, инсон учун ҳам жиддий муаммолар келиб чиқиш эҳтимоли ниҳоятда катта.

Аллоҳ таоло илоҳий китобларида инсонни улуғлаб, унга табиатни асраб-авайлаш, ўз неъматларидан баҳраманд бўлиш, уларни нобуд қилмай, эзгу мақсадларга ишлатишни амр этган. “Аъроф сураси”нинг 56-оятида Парвардигор шундай деб амр қилади: “Обод қилиб қўйилган ер юзида бузғунчилик ишларини қилманг”.

Ислом таълимотининг етук намояндаларидан бири, 4 жилдли “Ал-жомийъ ас-саҳих” ҳадисларини ёзган Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ибн Исмоил ал-Бухорий ҳам табиат ва

унинг неъматлари ҳақида, табиат инъомларининг инсон учун яратилганлиги ва улардан оқилона фойдаланиш, кўчат экиш, ер ҳайдаш ва ижарага бериш, ўлик ерни жонлантириш, сув, ов ва овга таслия айтмоқ ҳақида китоб ёзганлар.

Ал-Бухорий ҳадислар тўпламининг 2-жилди, 1-бобида экин ва дарахт экишнинг фазилати ҳақида шундай ёзилган: Анас разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: “Расуллоҳ саллаҳу алайҳи ва саллам”: “Қайси бир мусулмон бирор дарахт ёхуд бирор экин экса-ю, унинг ҳосилидан инсон, қуш ёки ҳайвон еса, бунинг учун унга ажру савоб ато этилур” деб марҳамат қиладилар”.

Табиат ҳодисаларининг такомиллашиб, эволюцион тарзда ривожланиб боришидаги тушунча ва таълимотлар, инсон билан табиат ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва табиатга хиёнат қилмаслик масалалари ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абдураззоқ Самарқандий, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби алломаларнинг асарларида ўз ифодасини топган. Амир Темур, Алишер Навоий каби давлат арбоблари эса бутун умри давомида ободончилик ва суғориш ишлари, боғ-роғлар барпо этиш билан шуғулланганлар.

Хоразмий 847 йили “Маъмун академияси” олиб борган тадқиқот ишларини умумлаштириб “Китаб сураат ал-арз” (“Ер тасвири”) китобини ёзган. Хоразмий ушбу китобда 637 та ноёб табиий жойлар, 209 та тоғнинг географик тафсилотини берган. Шунингдек, асар бутун дунё қитъалари, океанлар, кутблар, экватор, саҳролар, кўллар, ўрмонлар, турли мамлакатлар, ўлкалар, у ердаги ҳайвонот, ўсимлик дунёси ва бошқа табиий ресурслар ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади. Хоразмийнинг мазкур асарига киритилган хариталарда ер юзи етти иқлимга бўлиб чизилган, шундан фақат тўрттасигина бизгача етиб келган.

873-950 йилларда яшаб ижод этган ватандошимиз Абу Наср Форобий дунёда мутафаккир, файласуф, сиёсий илм асосчиси, муסיқашунос сифатида танилган бўлиб, асарларининг умумий сони 160 тадан ошади. Унинг табиатшуносликка оид “Инсон аъзолари ҳақида рисола”, “Ҳайвон аъзолари тўғрисида сўз” каби асарлари алоҳида аҳамиятга молик.

X асрда табиатшунослик тарихида яна бир ёрқин зарварақ очган ноёб манбалардан бири-номаълум муаллиф томонидан “Худуд ул-олам мин ал-машриқ ил-мағриб, яъни “Шарқдан Ғарбга дунё чегараси” асари яратилди. У фан тарихида қисқартирилган “Худуд ул-олам” номи билан машҳур. Ушбу асар табиий фанлар учун манба бўлиб хизмат қилади.

Шарқнинг буюк алломаси, энциклопедист олим Абу Райхон Беруний асарларида ҳам табиатга оид жуда кўп маълумотлар келтирилган. Берунийнинг табиий-илмий қарашлари “Сайдана”, “Минералогия”, “Ҳиндистон”, “Ўтмиш авлодлардан қолган ёдгорликлар”, “Геодезия” ва “Маъсудий қонуни” каби асарларида мужассамлашган. Унинг асарларида Марказий Осиё, Эрон, Ҳиндистон, Афғонистонда кенг тарқалган қазилма бойликлар, доривор ўсимликлар, ҳайвонлар, уларнинг фойдали хислатлари ҳақида мукаммал маълумотлар келтирилган.

Беруний “Ўтмиш авлодлардан қолган ёдгорликлар” асарида Эрон шимолида тарқалган тропик ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини таърифлайди. Беруний ўсимлик ва ҳайвонлар фенологик кузатишлари ҳақида шундай ёзади: “Агар қиш қаттиқ келса, йиртқич қушлар тоғдан водийларга тушади, чумолилар инларига беркинади. Баҳорда илонлар уйғонади, балиқлар овоз чиқаради. Бу ҳодисаларнинг барчаси ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд”.

Берунийнинг табиий ва сунъий танлаш ҳақидаги фикри айниқса диққатга сазовордир, бу ундан кейин 900 йил ўтгач,

машҳур англиз олими Чарльз Дарвин томонидан асосланган эволюцион таълимотни башорат қилиши эди.

Соҳибқирон Амир Темури ҳар доим мамлакатда биринчи навбатда ободончилик, ерларни ўзлаштиришга катта эътибор берган. Соҳибқирон кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштирганларни, қориз қурган ё бирон боғ кўкартирганларни рағбатлантирган. “Темури тузуклари”да янги ўзлаштирилган ерлардан “Биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, иккинчи йили раият ўз розилиги билан бергани олсинлар, учунчи йили эса қонун-қоидага мувофиқ хирож йиғилсин”, деб таъкидланади.

Гарчи Самарқанд бу аслида-меъмор,

Ижоди-Регистон, Шоҳизиндадир.

Лекин, аҳли жаҳон, айланг эътибор:

Темури боғлари ҳам ахир, бундадир!

У-Боғи беҳиштдир, у-Боғи шамол,

Барчаси ёдгордир улуг мазийдан.

Авлодлар бетиним кўкартди ниҳол,

Боғларин асради ёвдан, осийдан,

Темурсиз яшайди, мана, Самарқанд.

Соҳибқирон Самарқандда 12 та боғ яратдики, уларнинг ҳар бири ўзига хос табиий муҳитга эга бўлиб, иқлимига, ерига, номига ғоят катта эътибор берган.

Табиатга бўлган меҳр-муҳаббат, адолат туйғуси Алишер Навоий сиймосида алоҳида ўрин тутди. Алишер Навоий табиатга ёки бирон-бир жонзотга хиёнат қилишни, дўстга хиёнат қилишни қоралаган. У бундай деб ёзади: “Дехқон агар тўғрилиқ билан дон сочса, ҳақ бирига юз эшигини очади, сочган донаси кўкаргунча, ўриб хирмон қилиб, ҳосилни кўтаргунча, қурту қуш ундан баҳраманд бўлади, дашт ваҳшийлари у билан шодланади. Чумолилар уйи ундан обод, ҳайвонлар кўнгли у билан шод. Қаптарлар ундан маст бўлади, тўрағайлар ундан севинчга тўлади”.

Навоий “Хамса”сидаги 5 достонда ҳам табиатга, ҳайвонотга алоҳида тўхталган. Асарлардаги қаҳрамонлар ўзининг шоду хуррам кунда ҳам, қайғули кунларида ҳам табиат кўйнига йўл олишади, боғда ўз севинчи ёки ҳасратларларини баҳам кўришади.

Шарқнинг яна бир алломаси, атоқли давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур табиатга нисбатан чуқур фалсафий фикрлар билдирган. Бобурнинг “Бобурнома” асарида Шарқдаги турли мамлакатлар, шу жумладан, Афғонистон ва Ҳиндистоннинг тарихи, социал-иқтисодий аҳволи, табиати, этнографияси, географияси ва медицинаси ҳақида батафсил сўз юритилган. Айниқса Фарғона ва Ҳиндистоннинг тоғлари, дарёлари, ўрмонлари, яйловлари, боғлари ҳақида аниқ, ҳозирги замон талабларига мос келадиган материаллар келтирилган. “Бобурнома” асари ўлкамиз тарихи, географияси, табиати, этнографияси, маданияти тўғрисидаги бекиёс манбадир.

Бундан 40 минг йил олдин пайдо бўлган онгли мавжудот-Номо Sapiens нисбатан қисқа даврда сайёра табиатини ўзгартириб юборди. Ҳозирги кунда, яъни ХХI аср бошига келиб, инсон фаолияти таъсирига учрамаган ҳудудлар деярли қолмади. Иқлим ўзгариши, чўлланиш, озон туйнуклари, Орол дарди муоммолари ҳаммага маълум экологик муаммоларга айланди. Инсон хўжалик фаолияти, табиий экзотизмлар мувозанатининг таъминланиши сусайиб бормоқда.

Дунёнинг қайси минтақасига қараманг, инсон ҳаёти учун катта ҳавф туғдираётган экологик вазиятни бартараф қилишдек оғир муаммолар ўз ечимини кутиб турганига гувоҳ бўласиз.

Халқимизда бир мақол бор: “Булоқ суви қуримагунча инсон уни кадрига етмайди”.

Юқорида келтирилган манбаларнинг барчаси, яъни “Авесто”, “Қуръони Карим”, “Ҳадислар” да, аксарият олиму

фозил инсонлар асарларидаги атроф-муҳит, табиатни асраш борасидаги фикрлар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Табиат, жамият ва руҳият уйғунлиги

Табиат деганимизда бутун борлик, турфа олам, сайёрамиздаги жонли ва жонсиз жисмлар тушунилади. Ернинг жонли қисмига ўсимлик, ҳайвонот дунёси ва микроорганизмлар, жонсиз қисмига эса ҳаво, сув ва тоғ жинси қатламлари киради. Улар бир-бири билан ўзаро узвий боғлиқдир.

Табиий муҳитни сақлаб қолиш, табиий бойликлардан омилкорлик билан фойдаланиш, жаҳон халқлари олдидаги асосий муаммолардан бирига айланди. Бу муаммо кейинги йилларда қатор табиий, техник ва ҳатто гуманитар фанларнинг энг асосий вазифаларидан бирига ҳам айланмоқда.

Экология грекча сўз бўлиб, экос-яшаш жойи, уй, муҳит, логия-фан маъносини англатади. Бу сўзни фанга биринчи марта 1867 йили немис биолог олими Эрнест Геккель киритган бўлиб, у кўп вақтгача фақат биология фанида ишлатилиб келинган. Инсониятни табиатга нисбатан салбий таъсири ошиб, ҳаво, сув, тупроқ таркибининг ўзгаришига, инсон саломатлигининг ёмонлашишига сабаб бўла бошлаганидан сўнг экология сўзининг луғавий маъноси кенгайиб, у ҳозирги вақтда табиий муҳит ва ундан омилкорлик билан фойдаланишни ўргатувчи фан маъносини англатмоқда.

Ҳозирда бу тушунча билан боғлиқ масалалар оламшумул аҳамият касб этади. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб эса, инсоният глобал экологик инқирознинг оқибатларини англаб етди. Инсоният цивилизацияси ўзининг ўн минг йиллик тарихи давомида шартли уч босқични босиб ўтган.

Биринчи босқичда меҳнат такомиллиги пайдо бўлди; оддий меҳнат қуроллари билан таъсир қилиб, асосан ёввойи ўсимлик ва овчилик воситасида озиқланишдан инсоният деҳқончилик ва чорвачилик маданиятини ўзлаштиришга ўтди ва табиат қучларини илоҳийлаштиришдан воз кечди. Натижада инсоннинг яратувчилик қудратини улуғлаш ғояси юзага келди.

Иккинчи босқич кўпроқ ғарб давлатларидаги уйғониш, мулкрий муносабатларнинг шаклланиши, саноатнинг пайдо бўлиш даврига тўғри келиб, дунё, космос марказига инсон омилини олиб чиқди. Бу эса янгилаш даври бошланганидан далолат бериб, инсоннинг табиий атроф-муҳитга муносабатини тубдан ўзгартиради. XX асрга қадар замонавийлаштириш жараёни экологик мувозанатнинг, атроф-муҳит барқарор ҳолатининг сақланишига зиён етказмади.

Учинчи босқичда, яъни XX асрда ер юзиде глобал ўзгаришлар жараёни бошланди. Ўтган асрнинг иккинчи ярмига келиб, табиатга нисбатан қилинган хатти-ҳаракатлар салбий натижаларни бериб, инсониятни экологик ҳалокат ёқасига келтириб қўйди. Бундай муаммоларнинг ечими бормикин? Келинг, яхшиси бу муаммоларга атрофлича ёндашайлик, балки муаммонинг ечими нимада эканлигини билиб олармиз. Биз биламизки, инсон табиат ва унинг табиий ресурсларисиз яшай олмайди. Бу жараён, асосан, ишлаб чиқариш билан алоқадордир. Муаммони, чуқурроқ англаш учун, аввало, “қоинот” тушунчасига мурожаат қилиш зарур. “Қоинот” атамасини кенг ва тор маънода тушуниш мумкин. Кенг маънода, қоинот-барча мавжуд нарсаларни, юлдузлар, галактика, метাগалактика тизимлари, шунингдек, макон ва замондаги энг кичик зарралардан тортиб, ўсимликлар, инсонлар олами-ҳаммасини ўз ичига олади. Бу тушунча бутун борлиқни қамраб олади. Биз қоинотни тор маънода ердан ташқаридаги олам маъносида ҳам ишлатамиз.

Инсон ўзи учун зарур бўлган барча неъматларни-озик-овқат, кийим-кечак, қурилиш материаллари, энергия, минерал ашёлар ва бошқаларни табиатдан олади. Ҳозир дунё бўйича ҳар хил ёкилғиларнинг ишлатилиши туфайли 10.1 миллиард тонна кислород сарфланади, қишлоқ хўжалигига яроқли бўлган тупрокнинг 70 фоизи, ўрмонларнинг 50 фоизи, чучук дарё сувларининг 20 фоизи, биологик ресурсларнинг 70 фоизи кишилар томонидан ўзлаштирилиб фойдаланилмоқда. Табиатнинг неъматлари шу тарзда камайиб кетаверса кейинги ҳаётни қандай тасаввур қилиш мумкин? Бу ҳолатга келмаслик учун табиатни ва унинг неъматларини муҳофаза қилиш керак. Табиатни муҳофазалаш ишлари халқ хўжалигининг турли соҳалари фаолияти билан боғлиқ бўлган муҳим муаммолардан биридир.

Табиат муҳофазаси сайёрамизнинг энг асосий муаммоларидан бири бўлиб, унга БМТ 1960 йилдан сўнг жиддий эътибор бера бошлади. Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш масалалари билан БМТнинг маориф, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти – ЮНЕСКО шуғулланади. Табиатни муҳофазалашга бағишлаб БМТ 1972 йил июлда Стокгольмда конференция ўтказди. Шу йили 15 декабрда БМТ Бош Ассамблеясининг XXVII сессиясида давлатлараро ҳамкорликнинг ташкилий ва молиявий тадбирларини белгилаб, “Ташқи муҳит бўйича БМТ иш дастури” (ЮНЕП) ва унинг бошқарувчилари Кенгашини таъсис этди. 1973 йил июнда кенгашнинг 1-сессиясида Стокгольмда қабул қилинган “Атроф муҳит соҳасидаги ҳаракат дастури” муҳокама қилиниб, халқаро ҳамкорликнинг энг асосий йўналишлари белгиланди. Буларга: кишилар соғлиги ва фаровонлигини муҳофаза қилиш, тупроқ ва сувни муҳофаза қилиш, чўлларнинг кенгайишига қарши курашиш, бу соҳага оид таълим ва малака оширишни кучайтириш, ахборот тарқатиш ишларини олиб бориш, океанларни муҳофаза этиш,

Ўсимликлар, ёввойи ҳайвонлар ва генетик ресурсларни муҳофаза этиш, энергетика ресурслари ва бошқалар.

Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий имкониятлардан оқилона фойдаланиш мақсадида ер тўғрисида, ўрмон, ҳайвонлар, сув, қазилма бойликлар, атмосфера тўғрисида республикамизда қатор қонунлар қабул қилинган ва бир неча марта ҳукумат қарорлари чиққан. Жумладан, Ўзбекистон Конституциясида фуқаролар табиатни муҳофаза қилишлари, унинг бойликларини қўриқлашлари шарт эканлиги кўрсатилган. 1992 йил 9 декабрда Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинган.

Табиатни муҳофазалашда давлат ташкилотларидан ташқари Республикамизда проф. Ю.Ш. Шодиметов раҳбарлигида 1992 йили ташкил этилган “Экология ва саломатлик халқаро жамғармаси” – ЭКОСАН жамоа ташкилотининг ҳиссаси ҳам катта. ЭКОСАНнинг асосий вазифаси халқаро ташкилотларни, олимларни, мутахассисларни, сиёсий арбобларни экологиянинг долзарб муаммоларини ўрганишга, Марказий Осиё ва бошқа давлатларнинг экологик сиёсатини илмий асослашнинг такомиллашувига, экологик фикрлаш ва тарбиялашга қаратилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни

Ушбу қонун табиий муҳит шароитларини сақлашнинг, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаб беради. Қонуннинг мақсади инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар уйғун мувозанатда ривожланишини, экология тизимлари, табиат комплекслари ва айрим объектларнинг муҳофаза қилинишини таъминлашдан, фуқароларнинг қулай атроф муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини кафолатлашдан иборатдир.

I. Умумий қоидалар

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг табиатни муҳофаза қилишга доир қонунлари

Ўзбекистон Республикасида табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар ушбу Қонун билан, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг ер, сув, ўрмон, ер ости бойликлари тўғрисидаги, атмосфера ҳавосини, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонунлари билан, бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

2-модда. Табиатни муҳофаза қилиш объектлари, алоҳида муҳофаза қилинадиган табиат ҳудудлари ва объектлари.

Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, атмосфера ҳавоси ифлосланишдан, бузилишдан, зарарланишдан, ориқлаб кетишдан, вайрон бўлишдан, йўқ бўлиб кетишдан, оқилона фойдаланмасликдан муҳофаза этилиши лозим.

Давлат кўриқхоналари, миллий, тарихий-табиий ва ёдгорлик боғлари, заказниклар, табиат ёдгорликлари, ботаника ва зоология боғлари, дендрария боғлари, шунингдек халқаро Қизил китобга киритилган ҳайвонлар ҳамда ўсимликлар алоҳида муҳофаза қилинадиган табиат ҳудудлари ва объектлари жумласига киради.

Курорт ва рекреацион жойлар, ер усти ва ер ости сувлари тўпланинадиган жойлар (дарё водийлари, адирлар, тоғ ён бағрлари) нодир ва қимматбаҳо металллар конлари, сув объектларининг соҳилбўйи минтақалари ва сувни муҳофаза этиш жойлари, алоҳида муҳофаза қилинадиган табиат ҳудудларининг кўриқланадиган (буфер) жойлари, балиқчилик хўжаликлари жойлашган ерлар, ўрмонларнинг тақиқланган минтақалари ҳамда бошқа жойлар Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан, халқаро шартномалар

билан белгилаб қўйиладиган тартибда муҳофаза этилмоғи керак.

Маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг қарорлари билан алоҳида муҳофаза қилинадиган табиат ҳудудлари ва объектларнинг ўзга турлари ҳам назарда тутилиши мумкин.

3-модда. Табиатни муҳофаза қилишдан мақсад

Табиатни муҳофаза қилишдан мақсад:

Инсон саломатлиги учун, экологик мувозанатни сақлаш учун, республикани самарали ва барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш манфаатлари йўлида табиатдан оқилона ва уни ишдан чиқармайдиган қилиб фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

Жонли табиатнинг турлари ва генетик фонди Бойлигини сақлаб қолиш;

Экология тизимлари, ландшафтлар ва ноёб табиат объектлари хилма-хиллигини сақлаб қолиш;

Экология хавфсизлигини таъминлаш;

Табиат объектлари билан боғлиқ маданий меросни асраб қолишдир.

4-модда. Табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига эришиш

Табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига эришиш учун давлат ҳокимияти маҳаллий идоралар, вазирликлар ва идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фермерлик ва кооператив хўжаликлар, шунингдек айрим шахслар хўжалик бошқарув ҳамда бошқа фаолиятни амалга ошириш жараёнида қуйидаги қоидаларга амал қилишлари керак:

инсоннинг яшаш муҳити бўлмиш биосфера ва экология тизимлари барқарорлигини сақлаб қолиш, одамларнинг экологик жиҳатдан хавфсизлиги, инсон ва унинг келгуси авлодлари генетик фонди ҳақида ғамхўрлик қилиш;

фуқароларнинг ҳаёт учун қулай табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш, барча турдаги таълим муассасаларида экология ўқувининг мажбурийлиги;

жамиятнинг экологик, иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини илмий асосланган ҳолда уйғунлаштириш;

табиатдан махсус фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш ва умумий асосларда фойдаланганлик учун ҳақ тўламаслик;

экология экспертизаси ўтказишни мажбурийлиги;

табиатдан оқилона фойдаланишни ва табиатни муҳофаза қилишни рағбатлантириш;

табиий ресурсларни тиклаш зарурлиги, атроф табиий муҳит ва инсон сihat-саломатлиги учун зарарли, тиклаб бўлмас оқибатларга йўл қўймаслик;

табиатни муҳофаза қилиш вазифаларини ҳал этишда ошкоралик;

табиатни муҳофаза қилиш соҳасида миллий, регионал ва халқаро манфаатларни уйғунлаштириш;

табиатни муҳофаза қилиш қонунлари талабларини бузганлик учун жавобгар бўлиш.

5-модда. Табиий ресурсларга нисбатан мулкчилик

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.

Табиий ресурсларни бериш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилишнинг шартлари ва тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонунлари билан белгиланади.

6-модда. Табиатдан умумий тарзда ва махсус йўсинда фойдаланиш

Ўзбекистон Республикасида табиатдан умумий тарзда ва махсус йўсинда фойдаланилади.

Табиатдан умумий тарзда фойдаланиш фуқаролар томонидан ҳаётий зурур эҳтиёжларни қондириш учун текинга табиий ресурсларни айрим фойдаланувчиларга бириктирмай ва ҳеч қандай рухсатномалар бермай туриб амалга оширилади.

Табиатдан махсус йўсинда фойдаланиш тариқасида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларга ишлаб чиқариш ва ўзга хил фаолиятни амалга ошириш учун табиий ресурслар ҳақ олиб махсус рухсатномалар асосида эгалик қилишга, фойдаланиш ёки ижарага берилади.

II. Давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг табиатни муҳофаза этишга тааллуқли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши-нинг табиатни муҳофаза қилишга тааллуқли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари

Қуйидагилар:

табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш;

давлат экология дастурларини тасдиқлаш;

табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги республика қонун ҳужжатларини ишлаб чиқариш ва қабул қилиш;

худудларни фавқулодда экология ҳолати, экология офати ва экология фалокати минтақалари деб эълон қилиш, бундай минтақаларнинг ҳуқуқий режимини ва жафо кўрганларнинг мақомини белгилаш;

табиатни муҳофаза қилишга тааллуқли қонунлар ижросини мувофиқлаштириб бориш;

табиий ресурслардан фойдаланганлик учун ҳақ олишнинг энг кўп-кам ҳажминини, шунингдек тўловларни ундириб олишдаги имтиёзларини белгилаш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ихтиёрига берилган бошқа масалаларни ҳал этиш Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг мутлақ ваколат доирасига киради.

8-модда. Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишнинг давлат бошқаруви

Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиат ресурсларидан фойдаланишнинг давлат бошқарувини Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, давлат бошқаруви маҳаллий идоралари амалга оширадilar.

9-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида:

табиатни муҳофаза қилишга доир ягона сиёсат юритиш;

табиат ресурсларидан фойдаланишни тартибга солиш;

табиий ресурсларга нисбатан табиат кадастри юритилиши тартибини белгилаш ва бундай кадастр юритилишини таъминлаш, республика аҳамиятига молик табиий ресурсларнинг захираларини тасдиқлаш;

экология жиҳатидан танг вазиятлар, табиий офатлар ва фалокатнинг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

табиий офатлар ва йирик аварияларнинг оқибатларини тугатиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

табиий ресурслардан фойдаланганлик, атроф табиий муҳитни ифлослантганлик, чиқиндилар, зарарли таъсир этувчи бошқа нарсалар жойлаштириб ташланганлик учун ҳақ тўлаш табиатни, шунингдек табиий ресурслардан фойдаланиш, чиқиндилар жойлаштириш лимитларини белгилаш;

Экология маорифи ва тарбияси тизимини яратиш ҳамда унинг амал қилишини таъминлаш;

табиатдан алоҳида тартибда фойдаланиладиган ҳудудларнинг чегараларини, табиатни муҳофаза қилиш ва хўжалик фаолияти тартибларини тасдиқлаш;

табиатни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида давлатлараро муносабатни ривожлантириш;

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тадбирларни амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг ваколат доирасига киради.

10-модда. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий идораларининг табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида:

ўз ҳудудида табиатни муҳофаза қилишнинг асосий йўналишларини белгилаш, ҳудуднинг экологик дастурини тасдиқлаш;

табиий ресурсларни ҳисобга олиш ва уларнинг аҳволига баҳо бериш, экология жиҳатдан зарарли бўлган объектларни рўйхатга олиш;

табиатни муҳофаза қилишга доир тадбирларни моддий-техника томондан таъминлаш;

табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи, саноат чиқиндиларини ёки рўзғор чиқиндиларини тўплаш ёки кўмиб ташлашга рухсатномаларни белгиланган тартибда бериш ёки уларни бекор қилиш;

табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўловлар ундириш;

табиатни муҳофаза қилиниши устидан назорат ўрнатиш, атроф муҳитга зарар етказаётган маҳаллий аҳамиятга молик объектлар фаолиятини вақтинча ёки бутунлай тўхтатиш ва қайта ихтисослаштириш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси қонунларида кўзда тутилган бошқа масалаларни тартибга солиш давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий идораларининг ваколатига киради.

11-модда. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига бўйсунди ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, шунингдек айрим шахслар томонидан ер, ер ости бойликлари, сув, ўрмон, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсидан, атмосфера ҳавосидан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилишга доир қонунларга риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлар давлат идоралари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

III. Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари

12-модда. Инсоннинг яшаш учун қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи ва бу муҳитни сақлаб қолиш борасидаги бурчи

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ўз саломатлиги ва келажак авлод саломатлиги учун қулай табиий муҳитда яшаш, ўз саломатлигини атроф муҳитнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш ҳуқуқига эга.

Ана шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси аҳолиси табиатни муҳофаза қилиш бўйича жамоат ташкилотларига бирлашиш, атроф табиий муҳитнинг аҳволи ҳамда уни муҳофаза қилиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларга доир ахборотларни талаб қилиш ва олиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси табиий ресурслардан оқилона фойдаланиши, табиат бойликларига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиши, экология талабларига риоя этиши шарт.

13-модда. Табиатни муҳофаза қилиш жамоат бирлашмаларининг ваколатлари

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият кўрсатувчи жамоат бирлашмаларининг ваколатлари Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ қабул қилинган уставларида белгилаб қўйилади.

IV. Атроф табиий муҳит сифатини нормативлар билан тартибга солиш

14-модда. Атроф табиий муҳит сифатининг нормативлари ва стандартлари

Хўжалик фаолиятининг атроф табиий муҳитга зарарли таъсири атроф табиий муҳит сифатининг аҳолининг экология жиҳатидан ҳавфсизлигини, табиий ресурсларни тиклаш ва муҳофаза қилишни кафолатловчи нормативлари ва стандартлари билан чеклаб қўйилади.

Худудий-ишлаб чиқариш мажмуаларини таркиб топтиришда, саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилишни ривожлантиришда ҳамда шаҳарлар, бошқа аҳоли турар жойларини қайта қуриш ва таъминлашда атроф табиий муҳитга бўладиган таъсирининг йўл қўйиш мумкин бўлган меъёрлари белгиланади.

15-модда. Экологик нормативларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш

Корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар атроф муҳитга таъсирининг йўл қўйилиши мумкин бўлган энг юқори даражаларини тартибга солувчи экологик ва бошқа йўсиндаги мезонларни ишлаб чиқишлари шарт.

Экологик нормативларни ўзларига берилган ваколатларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Табиатни

муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Саноатда ишларни бехатар олиб боришни назорат қилиш ва кон назорати давлат кўмитаси тасдиқлайдилар.

Кимёвий дори-дармонларни қишлоқ хўжалигида ишлатишга Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ рухсат этилади.

V. Табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш

16-модда. Табиатдан фойдаланишга йўл қўйилиши

Табиатдан фойдаланишга атроф-табиий муҳитни яшаш учун яроқли ҳолда сақлаш, табиий ресурслардан белгиланган тегишли нормативлар доирасида фойдаланиш ва қайта тикланадиган ёки қайта тикланаётган табиий ресурслар қайта тикланишини таъминлаш шарти билан йўл қўйилади.

17-модда. Тупроқдан фойдаланиш шартлари

Тупроқ дейилганда ер қобиғининг тириклик учун фойдаланиладиган ва ўсимликлар билан бирга амал қиладиган юзадаги унумдор қатлами тушунилади.

Тупроқдан унинг унумдорлигини пасайтирмаган ҳолда табиий ва маданий ўсимликлардан ҳосил олиш учун фойдаланилади.

Тупроқнинг иншоот остида қоладиган гумусли қатлами бошқа жойларда ҳосилдорликни ошириш учун олиб кетилиши керак.

18-модда. Ер ости бойликлари ва фойдали қазилмалардан фойдаланиш шартлари

Ер ости бойликлари дейилганда ер қобиғининг юқори қисмини қамраб олувчи, тадқиқотлар ўтказиш ва фойдали қазилмалар кавлаб олиш мумкин бўлган сатҳ, фойдали қазилмалар дейилганда эса иқтисодий ва соғломлаштириш аҳамиятига молик геологик ҳосилалар тушунилади.

Ер ости бойликлари ва фойдали қазилмалардан куйидаги шартлар билан фойдаланилади:

Қазиб олишда ана шу бойлик ва қазилмалар ҳамда уларга қўшилиб чиқадиган бошқа табиий ресурслардан комплекс ва оқилона фойдаланиш таъминланса, шунингдек атроф табиий муҳит ва ер ости бойликлари ифлосланишининг олди олинса;

Фойдали қазилмаларни қазиб олиш чоғида ҳолати ўзгарган ерлар рекультиватция қилинса;

қайта тикланадиган фойдали қазилмалардан табиий қайта тикланишга эришиладиган даражадагина фойдаланилса.

19-модда. Сувлар ва сув ҳавзаларидан фойдаланиш шартлари

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ер усти, ер ости ва денгиз сувларидан зарур миқдордаги сувнинг табиий айланишини сақлаш, унинг нормативда кўрсатилган даражада тозалигини таъминлаш, сув ўсимликлари ва ҳайвонларини асраш, сув ҳавзаларининг ифлосланишига йўл қўймаслик, уларда экология мувозанатини сақлаш ва сув ҳавзасига ландшафт элементи сифатида зиён етказмаслик шarti билан йўл қўйилади.

Маҳаллий ҳокимият идоралари, ўрмон ва сув хўжалиги идоралари дарё ирмоқлари ҳосил бўладиган жойларда, сув ҳавзалари соҳили минтақаларида дарахтзорларни тиклашлари ва дов-дарахтни кўпайтиришлари ҳамда уларни сақланишини таъминлашлари шарт.

20-модда. Атмосфера ҳавосидан фойдаланиш шартлари

Атмосфера ҳавоси дейилганда Ўзбекистон Республикаси ҳудуди устидаги ҳаво бўшлиғи тушунилади. Ҳаводан фойдаланишга муайян ҳудуд ҳавосининг сифатини ўзгартирмаслик, уни белгиланган нормативлардан ортиқ

даражада ифлослантирмаслик ёки сийраклаштирмаслик шарти билан йўл қўйилади.

Халқаро битимга мувофиқ вазирликлар ва идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, хусусий шахслар озон қатламига зарарли таъсир этувчи кимёвий моддалар ишлаб чиқариш ҳамда бундай моддалардан фойдаланишни қисқартиришлари ва келгусида батамом тўхтатишлари шарт.

21-модда. Жонли табиат объектларидан фойдаланиш шартлари

Жонли табиат дейилганида табиий ўсимликлар, шу жумладан ўрмон, табиатда эркин яшайдиган ҳайвонлар ва бошқа жонли организмлар тушунилади.

Жонли табиат объектларидан:

уларнинг қайта тикланиш қобилятини сақлаш;

уларнинг хилма-хил турини ва тўдаларининг барқарорлигини сақлаш;

атроф табиий муҳитнинг биологик жиҳатдан ифлосланишига йўл қўймаслик шарти билан фойдаланилади.

22-модда. Ишлаб чиқариш ва рўзғор чиқиндиларини чиқариб ташлаш шартлари

Чиқиндилар, шу жумладан қўшилиб кетган моддалар ишлаб чиқариш ва коммунал-маиший соҳаларда такрор фойдаланиш, тўплаш, тарқатиб юбориш, кўмиб ташлаш орқали йўқотилади.

Ишлаб чиқариш чиқиндиларини атроф табиий муҳитга зарар етказмаган ҳолда чиқариб ташлаш учун масъулият ана шу чиқиндиларни ҳосил қилган ташкилот ёки шахс зиммасида бўлади. Рўзғор чиқиндиларини йўқотиш маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари томонидан ташкил этилади.

Чиқиндилар кейинчалик улардан хўжалик мақсадларида фойдаланиш, атроф табиий муҳитга зарар етказмаслик имкониятини таъминлайдиган усулда чиқариб ташланади.

Ишлаб чиқарган маҳсулотлари ёки уларни жойлаш идишлар ва ўраш материалларининг бир қисми чиқиндига чиқадиган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ана шу чиқиндиларнинг қайта ишланишини таъминлашлари шарт.

23-модда. Табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум этиш

Табиий ресурслардан фойдаланиш талабларини муттасил бузадиган фойдаланувчи табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин.

V.Экология экспертизаси

24-модда. Давлат экология экспертизасининг мақсадлари

Давлат экология экспертизаси хўжалик қарори қабул қилишдан олдин ўтказилиши шарт бўлган атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш тадбиридир.

Давлат экология экспертизаси Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда ўтказилади.

Давлат экология экспертизасининг мақсади мўлжалланган ёки амалга ошириладиган хўжалик фаолияти ёки ўзга фаолиятнинг экология жihatдан қай даражада хавfli эканлигини аниқлаш, бу хилдаги фаолият табиатни муҳофаза қилиш қонунларининг талабларига қанчалик мувофиқлигини баҳолаш, лойиҳаларда назарда тутиладиган табиатни муҳофаза қилиш тадбирларининг қай даражада етарли ва асосли эканлигини аниқлашдан иборатдир.

25-модда. Давлат экология экспертизасининг объектлари

Қуйидагилар давлат экология экспертизасидан ўтказилиши керак:

давлат дастурлари, концепциялари, ишлаб чиқарувчи кучлар ва халқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш ҳамда жойлаштириш асосий йўналишлари ҳамда схемаларининг лойиҳалари;

хар қандай турдаги қурилиш учун жой танлашга оид материаллар, режа тузиш олдидан, лойиҳалаш олдидан тайёрланадиган ҳужжатлар ва лойиҳа ҳужжатлари;

экология ҳолатига баҳо бериш, табиий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ тадқиқот ишларининг дастурлари;

хўжалик фаолиятини ва табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга солувчи йўл-йўриқ ва усул йўсинидаги ҳамда меъёрий-техникавий ҳужжатларнинг лойиҳалари;

янги техника, технология, материаллар ва моддалар яратишга, шу жумладан чет эллардан сотиб олишга доир ҳужжатлар, бошқа ҳужжатлар ва техника, маҳсулот стандартлари;

Ўзбекистон Республикасига олиб келинадиган ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиб кетиладиган маҳсулотлар;

Кимёвий моддалар;

айрим минтақалар, жойлар ва объектлардаги экология вазияти;

атроф табиий муҳитнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатувчи ишлаб турган корхоналар ва бошқа объектлар.

Давлат экология экспертизасининг ижобий хулосасисиз лойиҳалаштиришни рўёбга чиқариш ман этилади.

26-модда. Давлат санитария-экология экспертизаси

Давлат санитария-экология экспертизаси атроф табиий муҳит ифлосланишининг қанчалик зарарли таъсир кўрсатишини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Давлат санитария-экология экспертизаси соғлиқни сақлаш идораларининг, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг ташаббусига кўра Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан келишиб туриб тасдиқлайди.

27-модда. Жамоатчилик асосидаги экология экспертизаси

Жамоатчилик асосидаги экология экспертизаси жамоат бирлашмаларининг ташаббусига кўра уларнинг маблағлари ҳисобидан ўша жамоатчилик асосида мутахассисларнинг мустақил гуруҳлари томонидан амалга оширилади.

Жамоатчилик асосида экология экспертизасининг хулосалари тавсия тамойилига эга бўлади.

V. Экологик назорат

28-модда. Атроф табиий муҳит мониторинги

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳитининг ҳолати ва унинг ресурсларини кузатиш, ҳисобга олиш, уларга баҳо бериш ва уларнинг истиқболини белгилашни таъминлаш мақсадида атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги тизими ташкил этилади.

Атроф табиий муҳитнинг ҳолати, табиий ресурслардан фойдаланиш устидан кузатув махсус ваколат берилган идоралар, шунингдек фаолияти атроф табиий муҳитнинг ҳолатини ёмонлаштирадиган ёки ёмонлаштириши мумкин бўлган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар томонидан амалга оширилади.

Махсус ваколат берилган идоралар, шунингдек айтиб ўтилган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ўз кузатувларига доир материалларни тегишли давлат идораларига бепул беришлари шарт.

Мониторинг тузилиши, мазмуни ва уни амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан ишлаб чиқилади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

29-модда. Экологик назорат вазифалари

Экологик назорат олдида:

атроф табиий муҳит ҳолатини ҳамда хўжалик юритиш ва бошқа фаолият таъсири остида унда бўладиган ўзгаришларни кузатиб бориш;

атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, атроф табиий муҳитни соғломлаштириш, табиатни муҳофаза қилишга доир қонунлар талаблари ва атроф табиий муҳит сифатининг нормативларига риоя этиш борасидаги дастурлар ҳамда айрим тадбирлар бажарилишини текшириш вазифаси қўйилган.

Экологик назорат тизими давлат атроф табиий муҳит ҳолатини кузатиб бориш хизмати, табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат, идоравий, ишлаб чиқариш ва жамоат назоратидан иборат.

30-модда. Давлат атроф табиий муҳит ҳолатини кузатиб бориш хизмати

Давлат атроф табиий муҳит ҳолатини кузатиб бориш хизмати табиий муҳитда содир бўлаётган физик, кимёвий, биологик жараёнларни, атмосфера ҳавоси, тупроқ, ер усти ва ер ости сувларининг ифлосланиш даражасини, ифлосланишнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига таъсири оқибатларини кузатиб бориш, манфаатдор ташкилотлар ва аҳолини атроф табиий муҳитда бўлаётган ўзгаришлар ҳақида жорий ва шошилиш ахборотлар ҳамда бу муҳит ҳолатига доир тахминлар билан таъминлаш мақсадида ташкил этилади.

Атроф табиий муҳит ҳолати тўғрисидаги ахборот очиқ-ошкора йўсинда бўлиб, унинг асосий кўрсаткичлари давлат табиатни муҳофаза этиш идоралари томонидан эълон қилиш учун мунтазам бериб борилади.

Давлат табиатни муҳофаза қилиш идоралари фалокатлар ва бошқа ҳодисалар натижасида атроф табиий муҳит нормативида белгиланганидан ҳам ортиқроқ даражада ифлосланган тақдирда бундай фалокат ва ҳодиса-

лар тўғрисида жамоатчиликни дарҳол хабардор этишлари шарт.

Табиий ресурсларнинг миқдор, сифат ва бошқа хил кўрсаткичларини, улардан фойдаланишнинг ҳажми, тартиб тамойилини ҳисобга олиб бориш учун давлат табиий ресурслар кадастирлари юритилади.

Атроф табиий муҳит ҳолатига зарарли таъсир қиладиган ёки номақбул тарзда таъсир этиши мумкин бўлган объектлар, атроф табиий муҳитга тушадиган зарарли моддаларнинг тури ва миқдори, ишлаб чиқариш ва рўзғор чиқиндиларнинг ҳажмлари ва таркиби ҳам назорат этиб борилади ва давлат ҳисобига олинади.

Давлат атроф табиий муҳит ҳолатини назорат қилиш хизматининг таркиби, ташкил этиш ва фаолият кўрсатиши тартиби, давлат табиий ресурслар кадастирларини, атроф табиий муҳитга зарарли таъсир этувчи объектларни давлат ҳисобида юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб берилади.

31-модда. Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида давлат назорати

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида давлат назорати давлат ҳокимияти бошқарув идоралари, махсус ваколатли давлат табиатни муҳофаза қилиш идоралари томонидан амалга оширилади.

Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Саноатда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш ва қончилик назорати қўмитаси.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги махсус ваколатли давлат табиатни муҳофаза қилиш идоралари ҳисобланади.

Махсус ваколатли давлат табиатни муҳофаза қилиш идоралари табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ишларни амалга оширишда қатнашишга идораларнинг экологик хизмат бўлинмаларини белгиланган тартибда жалб этишлари мумкин.

VIII. Табиатни муҳофаза қилишни таъминлашнинг иқтисодий чора-тадбирлари

33-модда. Табиатни муҳофаза қилишни таъминлашнинг иқтисодий тартиботи

Табиатни муҳофаза қилишни таъминлашнинг иқтисодий тартиботи:

табиий ресурслардан махсус фойдаланганлик учун, атроф табиий муҳитни ифлослантирганлик (шу жумладан чиқиндиларни жойлаштирганлик) ва атроф табиий муҳитга бошқача тарзда зарарли таъсир кўрсатганлик учун тўлов ундиришни;

камчиқимли ва ресурсларни тежайдиган технологиялар жорий этилганида, табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурсларни қайта тиклашда самара берувчи фаолият амалга оширилганда корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, шунингдек айрим шахсларнинг солиқ, кредит имтиёзларига ва ўзга имтиёзлар беришда;

экология нуқтаи назардан хавfli технологиялардан қўлланилганлик ва ўзга фаолиятни амалга оширганлик учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга нисбатан махсус солиқлар жорий этишни;

атроф табиий муҳитни ифлослантирувчи моддаларни чиқариш, қазिश ёхуд экология нуқтаи назаридан ўзга зарарли фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялар (рухсатномалар) олишни;

табиий муҳитнинг қулай ҳолатини бузган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар зиммасига уни тиклаш вазифасини юклашни;

табиат объектларини бузиш ёки йўқ қилиб юбориш оқибатида етказилган зарар учун белгиланган тартибда товон пули ундиришни;

табиатни муҳофаза қилиш борасидаги режалар ва чоратадбирлар бажарилмаган, табиатни муҳофаза қилишга доир қонунларининг норматив-техник ва бошқа талаблари бузилган ҳолларда мансабдор шахслар ёки бошқа ходимларни асосий ишлаб чиқариш фаолиятида эришилган натижалар бўйича бериладиган пул мукофотлари ёки бошқа мукофотлардан тўлиқ ёки қисман маҳрум этишни;

экологик соф маҳсулот чиқарилганлик учун рағбатлантирувчи нархлар ва устама ҳақлар белгилашни;

табиий ресурслардан оқилона фойдаланмаслик, меъёрида белгиланган ортиқча фойдаланганлик учун табиатдан фойдаланувчиларга нисбатан иқтисодий жазо чораларини ҳамда табиий ресурслардан тежаб-тергаб ва оқилона фойдаланганлик учун иқтисодий рағбатлантиришни қўлланишни;

табиий муҳитни сақлаш соҳасида ва экологик соф маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳаммадан юқори кўрсаткичларга эришган давлат, кооператив, жамоат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари, бошқа корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотларнинг жамоаларини ва айрим ходимларини, шунингдек айрим шахсларни моддий рағбатлантиришни кўзда тутати.

Ўзбекистон Республикаси қонунларида, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг қарорларида табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни иқтисодий рағбатлантиришнинг бошқа турлари ҳам назарда тутилиши мумкин.

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни иқтисодий рағбатлантириш тадбирлари Ўзбекистон Республикаси қонунларида, шунингдек маҳаллий давлат

ҳокимияти ва бошқарув идораларининг қарорларида белгилаб қўйиладиган тартибда қўлланилади.

34-модда. Табиатдан махсус фойдаланганлик учун тўловлар

Табиатдан махсус фойдаланганлик учун тўловлар атроф табиий муҳитни ифлослантирганлик учун тўланадиган тўловлардан, табиий ресурсларни муҳофаза қилганлик ва қайта тиклаганлик учун тўланадиган тўловлардан иборат бўлади:

Табиий ресурслардан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари ва ўзгача тўлов миқдори, шу жумладан ижара тўловларининг миқдори, табиий ресурсларнинг қай даражада кенг тарқалганлиги, сифати, уларни қайта тиклаш имкониятлари, улардан фойдаланишнинг қай даражада қулайлиги, комплекслиги, самарадорлиги, уларнинг жойлашган ери, чиқиндиларни қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш имкониятлари ҳамда бошқа жиҳатларни инобатга олган ҳолда, шунингдек тегишли лимитлар Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда аниқланади ва тасдиқланади.

Атроф табиий муҳитга ифлослантирувчи моддалар чиқарганлик ва оқизганлик, чиқиндиларни жойлаштирганлик учун тўлов миқдорлари ҳамда тегишли лимитлар манфаатдор идоралар билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг идоралари томонидан тасдиқланади.

Республика аҳамиятига молик табиий ресурсларни муҳофаза қилганлик ва қайта тиклаганлик учун тўловларнинг миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан, маҳаллий аҳамиятга молик табиий ресурслар бўйича эса маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари томонидан белгиланади.

Табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўловлар табиатдан фойдаланувчи корхоналар маҳсулотларининг

(бажарган ишларининг, кўрсатган хизматларининг) таннархига қўшилади.

Атроф табиий муҳитга ифлослантирувчи моддаларни чиқарганлик ва оқизганлик, ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларини жойлаштирганлик учун, шунингдек табиатдан рухсатномада белгиланганидан ташқари фойдаланганлик ва ўзгача махсус тарзида нооқилона фойдаланганлик учун тўловлар табиатдан фойдаланувчи корхоналарнинг фойдасидан ундирилади.

Табиий ресурслардан фойдаланганлик, уларни муҳофаза қилганлик ва қайта тиклаганлик учун тўлов маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларнинг бюджетига тушади ҳамда алоҳида модда билан ҳисобга олинади.

Атроф табиий муҳитга ифлослантирувчи моддалар чиқарганлик ва оқизганлик ҳамда ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларини жойлаштирганлик учун тўлов табиатни муҳофаза қилиш жамғармасига келиб тушади.

Ўзбекистон Республикаси қонунларида, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг қарорларида табиатдан фойдаланганлик учун тўловлардан озод қилиш ҳоллари, шунингдек бошқа солиқ имтиёзлари назарда тутилиши мумкин.

Табиий ресурслардан фойдаланганлик учун ва зарарли моддаларни чиқарганлик учун тўловларни амалга ошириш корхона, бирлашма ва ташкилотни, шунингдек айрим шахсларни экология тадбирларини бажаришдан ва етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш мажбуриятидан озод этмайди.

35-модда. Табиатни муҳофаза қилиш жамғармалари

Табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини пул билан таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг жойлардаги идоралари ҳузурида табиатни муҳофаза қилиш республика жамғармаси ҳамда маҳалла жамғармалари ташкил этилади.

Табиатни муҳофаза қилиш жамғармаларини таркиб топтириш ва улардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Табиатни муҳофаза қилиш жамғармалари тўғрисидаги низом билан белгилаб қўйилади.

Табиатни муҳофаза қилиш жамоат жамғармалари аҳолининг, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг ихтиёрий бадаллари ва бошқа манбалар ҳисобидан, шунингдек ажнабий юридик шахслар ва фуқароларнинг ажратмалари ҳисобидан ҳосил бўлади. Жамоат жамғармаларини ташкил этиш ва сарфлаш тартиби тегишли жамоат бирлашмалари томонидан тасдиқланадиган табиатни муҳофаза қилиш жамоат жамғармалари тўғрисидаги низомлар билан белгилаб қўйилади.

36-модда. Экология суғуртаси

Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши ва табиий ресурслар сифатининг ёмонлашуви оқибатида зарар етиши ҳолларини назарда тутиб корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мол-мулки ихтиёрий ҳамда мажбурий суғурта қилинади.

Экология суғуртасининг тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларида белгилаб қўйилади.

37-модда. Табиатни муҳофаза қилиш тизимидаги рағбатлантириш

Табиатдан оқилона фойдаланиш, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишни рағбатлантириш:

корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларнинг табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга оширганлари тақдирда уларга солиқ солишга имтиёзлар бериш;

табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва табиат муҳофазасини таъминлаш борасидаги чора-тадбирларни

рўёбга чиқариш учун имтиёзли шартларда қисқа муддатли ва узоқ муддатли кредитлар бериш;

асосий ишлаб чиқариш фондлари учун юқори амортизация нормалари белгилаш;

атроф табиий муҳитга ифлослантирувчи моддалар чиқариш ва оқизиш ҳамда чиқиндиларни жойлаштириш барқарор суръатда пасайтириб борилган тақдирда бундай моддаларни чиқарганлик ва оқизганлик ҳамда чиқиндиларни жойлаштирганлик учун тўловларни камайтириш;

табиатни муҳофаза қилиш жамғармалари маблағларининг бир қисмини ифлослантирувчи моддалар чиқариш ва оқизишни камайтириш чора-тадбирларини рўёбга чиқариш мақсадида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва айрим шахсларга фоишли қарзлар сифатида шартнома асосида бериш орқали амалга оширилади.

IX. Фавқулодда экология вазиятлари

38-модда. Фалокатларни ва уларнинг экологияга зарарли оқибатларини бартараф этиш

Фалокат содир бўлган тақдирда корхона, муассаса ёки ташкилотлар фавқулодда экология вазиятларга мўлжалланган ўз ҳаракат режаларига мувофиқ фалокатни бартараф этишга дарҳол киришишлари шарт. Айни вақтда улар фалокат ҳақида ва уни бартараф этиш юзасидан кўрилаётган чора тадбирлар тўғрисида маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларига, давлат табиатни муҳофаза қилиш идораларига, шунингдек бундай фалокатларнинг экологияга зарарли оқибатларини бартараф этишга ихтисослашган хизматларга дарҳол хабар қиладилар.

39-модда. Фавқулодда экология вазияти ва экология офати минтақалари

Хўжалик фаолияти ва бошқа йўсиндаги фаолият, табиат стихияли кучларининг вайрон этувчи таъсири ёхуд рўй берган фалокат ёки ҳалокат натижасида муайян ҳудуд-

ларнинг, шу жумладан сув ва ҳаво бўшлигининг атроф табиий муҳитда инсон саломатлигига, табиий экология тизимларининг, ўсимлик ва ҳайвонлар генетик фондларининг ҳолатига таҳдид солувчи барқарор салбий ўзгаришлар содир бўлаётган қисми фавқулодда экология вазияти минтақалари деб эълон қилинади.

Муайян ҳудуднинг табиат мувозанати, табиий экология тизимлари бузилиши билан боғлиқ ҳолда табиий муҳитда барқарор ёки тузатиб бўлмас ўзгаришлар рўй берган ёки рўй бераётган қисми экология офати минтақалари деб эълон қилинади.

Фавқулодда экология вазияти ёки экология офати минтақалари деб эълон қилиш тўғрисидаги қарор-қонунларга белгилаб қўйилган тартибда қабул қилинади.

Фавқулодда экология вазияти ва экология офати минтақаларида шу вазиятни келтириб чиқарган ишлар тўхтатиб қўйилади, атроф табиий муҳитга зарарли таъсир этувчи фалокат тақиқланади, табиий муҳитни тиклаш ва соғломлаштириш чора-тадбирлари кўрилади.

40-модда. Экология нуқтаи назаридан хавф туғдирадиган вазиятлар

Экология нуқтаи назаридан хавф туғдирадиган вазиятлар деганда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан биринчи даражали хавфли моддалар жумласига киритилган ўта заҳарли, кучли таъсир этувчи заҳарли моддалар, радиоактив ва бошқа моддаларни сақлаш, ташиш ва улардан фойдаланиш чоғида атроф табиий муҳитнинг ортиқча даражада ифлосланиши, табиат тизимларининг шикаст топиши, инсон саломатлиги ва ҳаётига зиён етиши таҳдиди билан боғлиқ бўлган вазиятлар тушунилади.

Экология нуқтаи назаридан хавф туғдирадиган вазиятлар юзага келган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг идоралари

тегишли ишлаб чиқариш объектлари атрофида транспорт магистрал йўллари бўйлаб алоҳида ҳуқуқий тартиб ўрнатадилар.

Х. Хўжалик фаолияти ва бошқа йўсиндаги фаолиятга доир экология талаблари

41-модда. Корхоналар, иншоотлар ва бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш, реконструкциялаш, улардан фойдаланиш ва уларни тугатишга доир экология талаблари

Корхоналар, иншоотлар ва бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш, реконструкциялаш, кенгайтириш ва техника билан қайта ускуналаш, улардан фойдаланиш ва уларни тугатиш чоғида экология хавфсизлиги талаблари бажарилмоғи, табиатни муҳофаза қилиш чоратадбирлари назарда тутилмоғи лозим.

Корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, айрим шахслар чиқитсиз ва камчиқит технологияларини жорий этишлари, ишлаб чиқариш ва рўзгор чиқиндилари ҳосил бўлишини камайтиришлари, уларни зарарсизлантиришлари ва қайта ишлашлари, чиқиндиларни навларга ажратиш, тўплаш, кўмиб ташлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларига риоя этишлари шарт.

Фаолияти атроф табиий муҳитга анча зарарли экологик таъсир этиши мумкин бўлган йирик халқ хўжалик объектларини ривожлантириш ва жойлаштириш тўғрисидаги қарорлар давлат экология экспертизаси ҳулосасига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан қабул қилинади.

Экология талабларига жавоб бермайдиган объектларни фойдаланишга топшириш ман этилади.

42-модда. Радиоактив ва кимёвий моддаларни ишлатиш пайтидаги экология талаблари

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва айрим фуқаролар радиоактив ва кимёвий моддаларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш, қўллаш, зарарсизлантириш ҳамда кўмиб ташлаш чоғида экология талабларига, белгиланган нормативлар ва қоидаларга риоя қилишлари, уларни қўллашнинг зарарли оқибатларини олдини олиш ва бартараф этиш чора-тадбирларини кўришлари, мазкур нормативлардан ошиб кетилган тақдирда радиация ва кимёвий хавфсизликни таъминлаш идораларини дарҳол хабардор этишлари шарт.

Радиоактив чиқиндиларни ва кимёвий моддаларни кўмиб ташлаш учун рухсатнома давлат санитария ва кон нazorати идоралари билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан берилади.

43-модда. Табиатни шовқин, тебраниш, электромагнит майдонлари ва бошқа зарарли физик таъсирдан муҳофаза қилиш

Маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, айрим шахслар зарарли ишлаб чиқариш шовқинлари, тебраниш, электромагнит майдонларининг физик таъсирлар кўрсатувчи бошқа омилларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўришлари шарт.

44-модда. Табиатни назорат этилмайдиган ва зарарли биологик таъсирлардан муҳофаза қилиш

Табиатга зарарли биологик таъсир ўтказётган ёки ўтказиши мумкин бўлган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар бундай таъсир оқибатларининг олдини олиш ва уларни бартараф этиш талабларини амалга оширишлари шарт.

Янги микроорганизмлар, вируслар ва шакллар ҳосил қилишга ва фойдаланишга, шунингдек уларни Ўзбекистон Республикасига олиб келишга фақат давлат санитария назоратининг ижобий хулосаси бўлгандагина рухсат этилади.

45-модда. Табиатни ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндилари билан ифлосланишдан муҳофаза қилиш

Зарарли чиқиндиларни, шу жумладан радиация даражаси юқори бўлган радиоактив чиқиндиларни, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари ҳудудида ва улар яқинда, аҳоли зич яшайдиган регионларда, курортларда, даволаш-соғломлаштириш минтақаларида, шунингдек сув объектлари ва сувни муҳофаза қилиш минтақаларида кўмиб ташлаш тақиқланади.

Чиқиндиларни махсус қурилмаларида зарарсизлантириш ва тўплаш табиатни муҳофаза қилиш давлат идораларининг рухсатномаси билан амалга оширилади.

46-модда. Экология гувоҳномалари

Экология ёки гигиена гувоҳномасига эга бўлмаган, шунингдек уларда белгиланган мезонларни бузган ҳолда хом ашё ва материаллардан фойдаланиш, технология жараёнларини жорий этиш ва маҳсулотлар (шу жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари) ишлаб чиқариш ман этилади.

Экология гувоҳномаси бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

XI. Табиатни муҳофаза қилишга доир қонунларни бузганлик учун жавобгарлик, табиатни муҳофаза қилишга оид низоларни ҳал қилиш

47-модда. Табиатни муҳофаза қилишга доир қонунларни бузганлик учун жавобгарлик

Қуйидаги ҳолларда: табиатни муҳофаза қилишнинг стандартлари, меъёрлари, қоидалари ва бошқа норматив-

техник талабларини бузишда, шу жумладан корхоналар, иншоотлар, транспорт воситалари ва бошқа объектларни режалаштириш, қуриш, реконструкциялаш, улардан фойдаланиш ёки уларни тугатиш чоғида, экология нуқтаи назаридан хавфли маҳсулотларни чет элларга чиқариш ва чет эллардан олиб келишда ҳудуднинг белгилаб қўйилган экология сифимини, экология нормалари, қоидаларини бузишда;

табiiй бойликлардан ўзбошимчалик билан фойдаланишда, давлат экология экспертизаси талабларини бажармаганликда;

табiiй ресурслардан фойдаланганлик учун, атроф табiiй муҳитга зарарли моддалар чиқарганлик ва оқизганлик, қаттиқ чиқиндилар жойлаштирганлик, бу муҳитни ифлослантирганлик ва унга зарарли таъсир кўрсатишнинг бошқа турлари учун белгиланган ҳақни тўлашдан бош тортганликда;

табиатни муҳофаза қилиш объектларини қуриш режаларини, табиатни муҳофаза қилишга доир бошқа талабларни бажармасликда;

атроф табiiй муҳитни тиклаш, унга бўладиган зарарли таъсир оқибатларини бартараф этиш ва табiiй ресурсларни такрор ишлаб чиқариш чораларини кўрмаганликда;

табиатни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошираётган идораларнинг кўрсатмаларини бажармаганликда;

ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларини, кимёлаштириш воситаларини, шунингдек радиоактив ва зарарли кимёвий моддаларни сақлаш, ташиш, улардан фойдаланиш, уларни зарарсизлантириш ва кўмиб юбориш вақтида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузганликда;

атроф табiiй муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг объектларга боришига, айрим шахслар ва табиатни

муҳофаза қилиш жамоат ташкилотларига эса ўз ҳуқуқ ва вазифаларини рўёбга чиқаришга тўсқинлик қилганликда;

атроф табиий муҳитнинг ҳолати ва унинг ресурсларидан фойдаланиш тўғрисида ўз вақтида ва тўғри ахборот беришдан бош тортганликда айбдор бўлган шахслар Ўзбекистон Республикасининг қонунларига биноан интизомий, маъмурий, жиноий ва бошқа йўсиндаги жавобгарликка тортиладилар.

48-модда. Атроф табиий муҳитга зарарли таъсир кўрсатаётган объектлар фаолиятини чеклаш, тўхтатиб қўйиш, тугатиш ва ўзгартириш

Корхоналар, ташкилотлар, иншоотлар ва бошқа объектларнинг инсон саломатлигига ёки яшаш шароитига, табиий ресурсларга, алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудларга зарарли таъсир этган ёки бундай таъсир этиш хавфи туғилган тақдирда уларнинг фаолияти чекланиши, тўхтатиб қўйилиши, зарарли таъсир этиш сабабларини бартараф этишнинг имкони бўлмаган тақдирда эса тугатилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

Бундай объектларнинг фаолиятини чеклаш, тўхтатиб қўйиш, тугатиш ёки ўзгартириш ҳамда айни вақтда уларни пул билан таъминлашни тўхтатиш хусусидаги қарорларни давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари, ўз ҳуқуқ доирасига мувофиқ табиатни муҳофаза қилиш идоралари чиқарадилар.

49-модда. Табиатни муҳофаза қилиш қонунларини бузиш оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш мажбурияти

Атроф табиий муҳитга зарар етказган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва айрим шахслар етказган зарарни, шу жумладан бой берилган фойда ўрнини қонунларга мувофиқ қоплашлари шарт.

Экология талабларини бузганликда айбланаётганларнинг маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилиши

уларни атроф табиий муҳитга етказилган зарарни қоплаш мажбуриятдан озод этмайди.

50-модда. Табиатни муҳофаза қилиш қонунларини бузганлик учун иқтисодий жавобгарлик

Табиатни махсус равишда фойдаланишни оқилона амалга оширмаганлик, атроф табиий муҳитга ифлослантирувчи моддалар чиқариш ва оқизишни, ишлаб чиқариш ҳамда истеъмол чиқиндиларини жойлаштириш норматив лимитларида белгилангандан қўпайтириб юборганлик учун корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва айрим шахсларга Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ оширилган солиқ солиниши керак.

Тегишли ҳолларда маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг, табиатни муҳофаза қилиш идораларининг қарорларига мувофиқ айтиб ўтилган қонунбузарликларнинг сабабларига барҳам берилгунга қадар юридик ва жисмоний шахсларнинг хўжалик фаолиятини пул билан таъминлаш тўхтатиб қўйилиши мумкин.

51-модда. Табиатни муҳофаза қилишга доир қонунларни бузиш оқибатида зарар етказилишида айбдор бўлган мансабдор шахслар ва бошқа ходимларнинг жавобгарлиги

Корхоналар, ташкилотлар ҳамда муассасаларнинг атроф табиий муҳитга, инсон саломатлиги ва одамларнинг мол-мулкига, халқ хўжалигига етказилган зарарни қоплаш юзасидан чиқимдор бўлишида айбдор бўлган мансабдор шахслар ва бошқа ходимлар Ўзбекистон Республикаси қонунларига биноан моддий жавобгар бўладилар.

52-модда. Экология нуқтаи назаридан зарарли фаолиятни тўхтатиш хусусидаги даъво талаблари

Юридик ва жисмоний шахслар атроф табиий муҳитга, инсон саломатлиги ва одамларнинг мол-мулкига, халқ хўжалигига зиён етказётган экологик жиҳатдан зарарли

фаолиятни тўхтатиш тўғрисида судга мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

Суднинг экология нуқтаи назаридан зарарли фаолиятни тўхтатиш тўғрисидаги қарори айтиб ўтилган фаолиятни пул билан таъминланишини тўхтатиш учун асос бўлади.

53-модда. Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги халқаро шартномалар

Башарти, Ўзбекистон Республикаси тузган халқаро шартномада ушбу Қонундагидан ёки Ўзбекистон Республикасининг табиатни муҳофаза қилишга доир бошқа қонун ҳужжатидагидан ўзга қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади, Ўзбекистон Республикасининг қонунларида бирмунча қаттиқроқ талаблар белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

И. Каримов

Тошкент шаҳри, 1992 йил 9 декабрь.

Экология ҳақида буюкларнинг фикри

...Экологик хавфсизлик муаммоси аллақачон миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланган.

И.А. Каримов

Экология муаммоси Ер юзининг ҳамма бурчақларида ҳам долзарб. Фақат унинг кескинлик даражаси дунёнинг турли мамлакатларида ва минтақаларида турличадир.

И.А. Каримов

Экологик хавфсизлик кишилик жамиятининг бугуни ва эртаси учун долзарблиги, жуда зарурлиги боис энг муҳим муаммолар жумласига киради.

И.А. Каримов

Орол танглиги инсоният тарихидаги энг йирик экологик ва гуманитар фожиалардан биридир.

И.А. Каримов

Дарахтлар табиат кўрки, тириклик томири ҳамдир.

И.А. Каримов

Она ер бизга ризқу рўз беради, умримиз тугагач, яна ўз бағрига олиб, вужудимизни яширади.

Тафаккур чирोगи

Атрофни ўраб турган боғу бўстонлардан, бепоён далалардан завқланишга одатланмаган боланинг қалбида нафосат ва ватанпарварлик туйғуси ҳам бўлмайди. Чунки ватанпарварлик ва нафосат бир дарёга қўшиладиган икки ирмоқдир.

Тафаккур чирोगи

Инсон –табиат подшоиси.

В.М. Корельский

Инсон табиатдан хоҳлаган бойликларини олиши мумкин.

В.Д. Перевалов

Атрофимиздаги оламни биласизми?

Билимдонлар беллашувини ташкил қилишга тавсиялар

Билимдонлар беллашувининг мақсади юртимиз табиати, унга қилинаётган муносабат, атрофимиздаги оламнинг кун сайин салбий томонга ўзгараётгани ва у ҳақидаги адабиётларни мутолаа қилиш ва уни ўрганиш орқали китобхонлар қизиқишини ошириш ҳамда бундай адабиётларни тарғиб қилишдан иборат.

Кутубхонада беллашувни ўтказиш учун китобхонлар орасидан 10-12 та китобхон танлаб олинади ва улардан 2 та билимдонлар гуруҳи тузилади. Олдиндан тузилган саволлар икки гуруҳга мўлжаллаб қўйилади. Саволларга жавоб топиш учун китобхонлар кутубхонадаги адабиётлардан фойдаланадилар.

Кутубхонада табиат ҳақидаги адабиётлар кўргазмаси ҳам билимдонларга ёрдам беради. Улар, айниқса “Атроф муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунни яхши билишлари лозим.

Куйида биз беллашувга қўйилиши мумкин бўлган саволлардан намуналар келтирамиз.

1. Табиат ўзи нима?

(Табиат бу бутун борлик, турфа олам, сайёрамиздаги жонли ва жонсиз жисмлар тушунилади).

2. Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни қачон қабул қилинган?

(Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган).

3. Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни нечта бўлим ва моддадан иборат?

(Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни XI бўлим ва 63 моддадан иборат)

4. Экология сўзи қандай маънони англатади?

(Экология грекча сўз бўлиб, экос-яшаш жойи, уй, муҳит, логия-фан маъносини англатади).

5. Экология сўзини фанга биринчи марта ким киритган?

(Бу сўзни фанга биринчи марта 1869 йил немис зоологи Э. Геккель киритган).

6. Табиатни муҳофаза қилиш бўйича илк бор БМТнинг ҳалқаро конференцияси қайси шаҳарда ва нечанчи йилда ўтказилган?

(Табиатни муҳофазалашга бағишлаб илк бор БМТ 1972 йил июлда Стокгольмда конференция ўтказилган).

7. Атмосфера нима?

(Ер юзасини ўраб олган ҳаво қатлами атмосфера дейилади).

8. Ўзбекистонда қайси ташкилот табиатни муҳофаза қилиш бўйича фаолият юритади?

(Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилиш бўйича “Экосан” жамғармаси фаолият олиб боради).

9. “Экосан” жамғармаси нечанчи йилда ташкил этилган?

(“Экосан” жамғармаси 1992 йилдан ўз иш фаолиятини бошлаган).

10. Ўзбекистон Табиат музейи қайси йилда ташкил қилинган?

(Ўзбекистон Табиат музейи 1876 йилда ташкил қилинган).

11. Ўзбекистон Табиат музейида қанча экспонат мавжуд?

(Ўзбекистон Табиат музейида 1,5 миллион экспонатлар мавжуд).

12. Қизил китоб қандай ҳужжат ҳисобланади?

(Йўқолиб бораётган ёки йўқолиш хавфида бўлган ноёб ўсимлик ва ҳайвонлар турларини қайд қилувчи давлат ҳужжати).

13. Табиат ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш халқаро ташкилоти қачон ташкил этилган?

(Табиат ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш халқаро ташкилоти 1948 йилда ташкил қилинган).

14. Халқаро Қизил китобнинг илк наشري қачон чоп этилган?

(1966 йилдан бошлаб табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари билан ҳамкорликда халқаро Қизил китобнинг дунё ва алоҳида минтақалар флорасига бағишланган илк нашрлари чоп этила бошлаган).

15. Ўзбекистон Қизил китоби илк бора қачон таъсис этилган?

(1978 йилда таъсис этилган).

16. Эрон шимолида тарқалган тропик ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини таърифлаган ўзбек алломасининг исмини айтинг?

(Эрон шимолида тарқалган тропик ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини таърифлаган ўзбек алломаси Берунийдир).

17. Юқорида келтирилган таърифни алломанинг қайси асарида учратишимиз мумкин?

(Эрон шимолида тарқалган тропик ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳақида Берунийнинг “Ўтмиш авлодлардан қолган ёдгорликлар” асарида таърифлаган).

18. “Агар қиш қаттиқ келса, йиртқич қушлар тоғдан водийларга тушади, чумолилар инларига беркинади. Баҳорда илонлар уйғонади, балиқлар овоз чиқаради. Бу ҳодисаларнинг барчаси ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд” деб табиатни бундай ҳолатларини ўрганиб унга шундай таъриф берган аллома ким?

(Беруний ўсимлик ва ҳайвонлар фенологик кузатишлари ҳақида шундай таъриф ёзган).

19. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан БМТнинг тараққиёт Дастури ёрдамида қандай дастур ишлаб чиқилди?

(Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан БМТнинг тараққиёт Дастури ёрдамида “Атроф-муҳит” дастури ишлаб чиқилди).

20. Паррандаларнинг ҳаёти ва уларнинг яшаш тарзини ўрганувчи ва улар устида иш тажриба олиб борадиган “Арнеталогия” институти қайси давлатда ташкил этилган?

(Паррандаларнинг ҳаёти ва яшаш тарзини ўрганувчи ва улар устида иш тажриба олиб борадиган “Арнеталогия” институти Япониянинг Токио шаҳрида ташкил этилган).

21. Ямбаракула қайси оилага мансуб ҳайвон?

(Ямбаракула қушлар оиласига мансуб туяқушсимон қушдир).

**“Табиат инсон ҳимоясида” номли китоб-суратли
кўргазмани ташкил этиш учун материаллар**

Таклиф этилаётган китоб кўргазмаси кутубхонада ўтказиладиган тадбирларни тўлдиради.

Кўргазма қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

1. Табиат мўъжизалари саҳифаларидан

Бу бўлимга табиат мўъжизалари ҳақидаги китоблар ва суратли нашрлар қўйилади.

2. Инсон табиат фарзанди

Бу бўлимга инсон ва табиат ўртасидаги алоқаларни акс эттирувчи китоб-суратли нашрлар қўйилади.

3. Меҳрим сенга табиат

Бу бўлимга инсонларнинг табиатга бўлган эътиборини акс эттирувчи китоб-суратли нашрлар қўйилади.

4. Табиат ва биз

Бу бўлимга табиатни асраб авайлашни тарғибот қилувчи нашрлар қўйилади.

5. Атрофимиздаги олам менинг тасаввуримда

Бу бўлимга ёш рассомларнинг табиатни акс эттирган ижод наъмуналари қўйилади.

“Сайёранинг тозалиги – қалбнинг тозалиги”

**5-июнь Халқаро атроф-муҳитни муҳофаза қилиш
қунига бағишлаб ўтказиладиган тематик бадий кеча
сценарийси**

Шаҳар ва қўчалар байрамга мослаб безатилган. Барча ташкилот, мактаб, лицей, коллеж, олий ўқув юртларида, болалар боғчалари ва маҳаллаларда экология қунига бағишлаб тадбирлар ўтказилади.

Қуйидаги тадбир сценарийсидан ҳар бир ташкилот ўзларига мослаб фойдаланишлари мумкин.

Атроф табиатни асрашга доир плакатлар билан безатилган. Саҳнада табиатни асрашга бағишланган “Оламни

асранг дўстлар” куйи остида бошловчилар даврага чикиб келадилар.

1-бошловчи:

О, она сайёра, курраи қутлуғ,
Самодан сувратинг илк бора қўрдим.
Ҳавойи бир хаёл сеҳри эмас, йўк,
Фарзанд меҳри билан мен бокиб турдим.

2-бошловчи: Ассалому алайкум, даврамизга ташриф буюрган азиз меҳмонлар. Бугунги тематик бадиий кечамизга хуш келибсизлар.

1-бошловчи: Ассалому алайкум, шодиёнамиз меҳмонлари ва иштирокчилари. Мана бугун “Халқаро атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни” шу муносабат билан бизнинг кутубхона ходимларимиз сиз азиз меҳмонларга бир қатор тадбирларни ташкил этган. Марҳамат, тематик бадиий кечамиздан баҳраманд бўлинг.

(Кўшиқ янграйди)

2-бошловчи:

Арчазор ортидан сайрар бўғиқ куш,
Уфқлар сўнгида қора бир рўё.
Узоқ-узоқларда ғамгин ва беҳуш,
Чўзилиб ётибди улкан бир дарё.

1-бошловчи: Дарҳақиқат арчазор, ўрмонлар, боғлар, дарёлар-булар бари табиатнинг буюк неъматидир. Табиат бу нима? Табиат бу бизни ўраб турган атрофимиздаги оламдир. Бу оламнинг ўзига хос жумбоқлари, ундаги сир-синоатлар, ғайри табиий ўзгаришлар албатта инсонни лол қолдиради. Йилларнинг ўз вақтида келиши, кун ва туннинг алмашиниши, фаслларнинг алмашиниши бу табиатнинг жумбоқларидир. Биз инсонлар бу жумбоқлар ечими олдида ожизмиз. Келинг, яхшиси ҳар бир соҳанинг етук мутахассиси бўлгани каби, шу соҳанинг етук мутахассиси бўлмиш “Экосан” жамғармасининг бошлиғи
..... га навбатни берсак-да, улар бизга табиатнинг

шу каби жумбоқлари ҳақида қизиқарли маълумотларни берсалар, марҳамат.

2-бошловчи: Раҳмат. Бундай қизиқарли маълумотлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмаса керак. Бизга маълумки ҳозирги кунда экологияга етказилаётган зарар кун сайин кўпаймоқда. Озон қатламининг емирилиши, Орол денгизининг қуриши, ҳайвонлар ва ўсимликлар дунёсида ноёб турларнинг камайиб кетаётганлиги, ўрмонлардаги дарахтларнинг камайиб кетиши буларнинг ҳаммаси шундай ҳолатга келиб қолишига биз инсонлар сабабчимиз. Бундай ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган чора тадбирлар ҳақида бизга маълумотларни бериш учун сўз навбатини Ўзбекистон Республикаси “Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси” нинг бошлиғига берамиз, марҳамат.

1-бошловчи: Раҳмат. Бундай чора-тадбирлар қоғозда қолмаслигини ва амалда бу ишлар қўлланишига биз инсонлар ёрдам берайлик. Она табиатни келажак авлод учун асрайлик. Табиатдаги ҳар бир ҳодисага бефарқ бўлмайлик, атрофимизда ифлос чиқиндиларнинг тўпланиб қолишининг олдини олайлик. Таълим муассасаларида экологияни асрашга доир тарғибот ишларини олиб боришни йўлга қўйиш лозимдир. Келинг, энди навбатни санъаткорларимизга берсак, марҳамат.

(Кўшиқ янграйди)

2-бошловчи:

Виждонни асрангиз ҳар недан ортиқ,
Ягона заминни асрагансимон.
Боболардан қолган ноёб бу тортиқ,
Токи авлодларга етолсин омон.
Эзгу, латиф ҳислар бўлмасин таҳқир,
Булбулни бойқушга топширманг зинҳор.
Худбин ва дилозор кимсанинг, ахир,
Оғзи қон йиртқичдан қандай фарқи бор?!

Тўқайга ўт кетса ёнгай бус-бутун,
Адолат борлиққа ёлғиз онадир.
Дунё ҳам, инсонлар қалби ҳам бугун
Ёвузликдан зада Кўриқхонадир.

(Саҳнада ҳайвон ва ўсимликларнинг жонсиз макети
ясаб қўйилган, мактаб ўқувчилари томонидан “табиатга
сайр” мавзусида театрлашган саҳна кўриниши қўйилади).

1-бошловчи:

Асраймиз ўсимлик хилларин тайин,
Асраймиз ҳайвонлар камёб зотини.
Ҳатто атрофларин ўраб атайин,
Кўриқхона деймиз сўнгра отини.
Мунис мавжудотга меҳру шафқат бу,
Бу инсон қалбида балққан ҳамият.
То яшар қайдадир бу янглиғ туйғу,
Ҳар нечук қирилиб кетмас табиат.

Табиатнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ноёб
турларини ўзида сақлаб йиғиб борадиган жой кўриқхона-
дир. Биз бугунги тематик кечамизга туман
кўриқхонаси директори.....ни ҳам таклиф
қилганмиз, эндиги сўз навбатини уларга берсак, марҳамат.

2-бошловчи: Раҳмат. Мана, Республикамиздаги
кўриқхоналар ва ҳайвонот боғлари ҳақида керакли
маълумотга эга бўлдик. Энди навбатни-сонли мактаб
ўқувчилари ижросидаги рақсга берсак, марҳамат.

(Рақс ижро этилади).

1-бошловчи:

Гоҳо миямизни қопласа савдо,
Ғалат тасаввурлар хаёлга келар.
Регистон йўқолиб қолса мабодо,
Айтинг-чи, дўстларим, не ҳол юз берар?
Айтингчи, қандайин қунга тушардик,
Бухоро бўлмаса, бўлмаса Хевок.
Улар абадийдир дея беҳадик,

Ўтиб бораётир умримиз мудроқ.
Шаҳарлар жойида турибди бу кун,
Уларнинг заволи келмас хаёлга.
Меросий худбинлик борлиги учун,
Қарамай қўйибмиз афсус Оролга.

Дарҳақиқат, биз инсонлар олдимиздан оққан сувнинг қадрига етмаймиз-да, ёмон аҳволга келгандан кейин бўлса унинг чорасини ахтарамиз. Орол денгизининг аҳволи глобал муаммога айланди, у ердаги аҳолининг шароити борган сари оғирлашмоқда. Бу ҳолат нафақат республикамиз муаммоси, балки бутун дунё муоммосига айланди. Келинг, бу ҳақида тўлиқ маълумот олишимиз учун даврамизга Орол муаммоси бўйича мутахассис

2-бошловчи: Раҳмат. Бу маълумотлар ҳар бир кишини ўйлашга, атрофдаги оламга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишга чорласа ажабмас.

Табиат кимга кўп ё оз берибди,
Кимгадир хала чўп ё соз берибди.
Во ажаб, мана бу машшоқ гадога,
Тенги йўқ шоҳона овоз берибди.

Энди навбатни санъаткорларимиз ижросидаги шўх таронага берсак, марҳамат.

(Кўшиқ янграйди).

1-бошловчи: Мана бугунги байрам дастуримизнинг ташкилотчисига сўз берамиз.

2-бошловчи: Раҳмат, сизнинг ҳам бундан кейинги ишларингизга омад тилаймиз.

1-бошловчи: Хурматли дўстлар! Энди бугунги кечамизни янада серфайзли ўтиши учун кутубхоначиларимиз тайёрлаган бадиий қисм билан давом эттирамиз. Марҳамат, навбат сизларга.

Саҳна кўриниши

(5 июнь “Халқаро атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунига”)

Кутубхона ҳангомалари

-Нигора (хонага кириб келади, Шоира опа билан саломлашиб бўлгандан сўнг). Бугун бошқачамисиз? Нима бало, сочингиз ва киприкларингизни оқ қилдингизми?

-Вой нимасини айтай, бўлимимиздаги фаррош икки жойда ишласа, апил-тапил йиғиштириб ҳамма ёқни чанг қилиб кетади. У кетгандан кейин сочимгаям, кипригимгаям чанглар кўнади. Ана кейин кўринг, тўхтовсиз акса уриш бошланади, яхшиям хонада гуллар бор чангларни ютволади.

-Майли, Шоира опа, сиқилманг. Кўчадаги чанг-тутунлар олдида бу чанглар ҳеч нарсамас, ўзимизнинг чанглар-да.

-Ҳалима опа. Нима бўляпти, ҳамма китоблар юк машинасига олиб чиқилляпти.

-Фаридахон, ҳали эшитмадингизми? Кутубхона бошқа жойга кўчармиш.

-Вой, қачон қараманг кутубхоналар бир жойдан иккинчи жойга кўчгани кўчган, бунақада кутубхоначилар китобнинг чангини ютиб адоий тамом бўлади-ку.

-Тўғри айтасиз, буюк аллома ибн Синоям айтган-ку “Агар чанг бўлмаганда инсон минг йил яшаган бўлар эди, шу қатори биз кутубхоначиларнинг умри ҳам.

-Ҳалима опа, шу барибир кутубхонда ишлашимиз гап сўзимиздан билиниб туради-да

-Ха нимасини айтасиз, кўп гапирмасдан юринг, китоб ташишга ёрдамлашворайликчи.

-Вой, вой нима қиганингиз бу, Муқаддасхон! Ахлатни супириб ариққа оқизяпсизми?

-Нима бўпти, Саломат опа, ахлат мана бу ерда сасиб тургандан кўра ариққа супирсам сув оқизиб кетади-ку, ҳам чивин босиб ётмайди.

-Эй, Муқаддасхон, ҳозир қанчалик гуноҳ иш қилганингизни наҳотки тушунмаган бўлсангиз. Сувга чиқинди ташлаш исломда катта гуноҳ ҳисобланади

-Вой бўй, Саломат опа шу барибир кутубхонада ишлашингизни билдирасизда донолик қилиб, нима қилибди кутубхонамизнинг атрофида унақа ёмон чиқиндилар кўп эмас-ку ёки ахлатларни йиғиб ёққанимни маъқуллармидингиз, экологиямизни бузиб!

-Вой товба, ҳозирги ёшларга гап уқтириб бўлармиди бир гапиру орқа олдинга қарамай қочиш керак, яна экологияни бузибмиш, оқар сувга ахлат оқизишам экологияни бузишга кирмайдими, Муқаддасхон.

**Кутубхоналарда ўтказилиши мумкин бўлган
тадбирлар туркуми**

Мавзулар тахминий бўлиб, барча кутубхоналар ўзи учун маъқул шаклини танлаб олиши, уларни тўлдиришлари мумкин.

т. р.	Тадбирлар мавзуси	Шакли	Қатнашувчи- лар
1	Табиат бизнинг дўстимиз	Адабиётлар кўргазмаси	Кенг китобхон- лар оммаси, шу соҳанинг мутахассис- лари.
2	Она бўлгин бизга табиат	-“-	-“-
3	Сайёрамизнинг патли кушлари	-“-	-“-
4	Биз учун кадрли бўлган шаҳар	-“-	-“-
5	Табиат билан дўстлашамиз	-“-	-“-
6	Табиатни асрасак эртамизни асрай- миз	Китобхонлар конференция- си	Табиатшунос- лар, “Экосан” жамғармаси- нинг ходим- лари, Табиатни муҳофаза қилиш кўмита- сининг вакил- лари, кенг китобхонлар оммаси, кўриқ- хона ва хайвонот боғ-

			ларининг ходимлари.
7	Табиат ва инсон	-“-	-“-
8	Табиат билан уй ғунликда яшайлик	-“-	-“-
9	Яшил бойлиги- мизни асрайлик	-“-	-“-
10	Она табиат олдида маъсулмиз	-“-	-“-
11	Табиат билан уйғунликда яшай- лик	Давра суҳбати	-“-
12	Экологик мадани- ят – табиатга хур- мат	-“-	-“-
13	Табиат муҳофа- зага муҳтож	-“-	-“-
14	Шу ўлка, шу замин, шу табиат барчамизники	-“-	-“-
15	Табиатни асраш- фарзандларимизни асраш	-“-	-“-
16	Олам яхшиликка буркансин	Бадий- музикий кеча	-“-
17	Она табиатни асрайлик	-“-	-“-
18	Сайёранинг тозалиги–қалб- нинг тозалиги	-“-	-“-
19	Сайёранинг мусаффолиги– инсонлар соғлиғи	-“-	-“-

20	Она табиат мўъжизалари	Мунозара кечаси	-“-
21	Атрофимиздаги оламнинг эртаси ва бугуни	-“-	-“-
22	Табиат, ҳаёт, инсон	-“-	-“-
23	Орол муаммоси – кимнинг муаммоси	-“-	-“-
24	Табиат, жамият ва руҳият ўртасидаги уйғунлик	-“-	-“-
25	Наботот олами – ҳаёт малҳами	-“-	-“-

Адабиётлар

Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура: Нутқлар, мақолалар, суҳбатлар.-Т.: Ўзбекистон, 1993.-261 б.

Буюк келажигимизнинг ҳуқуқий кафолати //Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин.-Т.2.-Т.: Ўзбекистон, 1996.-Б.92-116.

Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари.-Т.: Ўзбекистон, 1997.-326 б.

Бединов Л. Ўзбекистоннинг ҳавоси, иқлими ва қишлоқ хўжалиги.-Т.: Ўқитувчи, 1999.-83 б.

Табиий муҳитни муҳофазалашнинг геозекологик асослари: Инженерлик геозекологияси ва геозекологик мутахассислик бўйича бакалавр тайёрловчи олий ўқув юрти учун ўқув қўлл.-Т.: Ўзбекистон, 2000.-158 б.

Холмўминов Ж. Экология ва ердан фойдаланишнинг ҳуқуқий масалалари: 100 саволга 100 жавоб.-Т.: Мехнат, 1999.-96 б.

Ғиёсов Ю. Она табиат фидойилари: Андижон вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг 10 йиллигига бағишланади.-Андижон: Андижон, 2000.-63 б.

Ғуломов М. Экология: жиноят ва жазо.-Т.: Ўзбекистон, 2000.-144 б.

Абдуллаева Я. Экологик муаммолар: келиб чиқиш сабаблари ва оқибатлари // Жамият ва бошқарув.-2004.-№1.-Б. 29-31.

Ашрапов А. Янгича экологик дунё қараш //Экология хабарномаси.-2005.-№2.-Б. 15-16.

Бек Бунёд. Табиат муҳофазаси йўлида: Атроф муҳитни муҳофаза қилиш //Хуррият.-2005.-14 сент.

Жумабекова Қ. Келажак авлодни кўзлаб: 5 июнь-Халқаро атроф муҳитни муҳофаза қилиш куни //Халқ сўзи.-2004.-5 июнь.

Жўраев Ш. Иқлим нега ўзгармоқда: Атроф муҳитга бўлган муносабат ҳақида // Туркистон.-2005.-31 дек.

Икромов Р. Экологик ҳуқуқ, унинг ташкилий асослари ҳақида баъзи мулоҳазалар //Ҳаёт ва қонун.-2004.-№2.-Б.60-61.

Иргашев Т. Табиат софлиги – инсонлар соғлиги: Тошкент вилоятида экологик вазиятни тартибга солиш ҳақида //Экология хабарномаси.-2005.-№4.-Б. 6-9.

Исмоилов М. Экологик бошқарув: муаммо ва ечимлар //Фан ва турмуш.-2001.-№5-6.-Б. 38.

Каримов Б. Жамият ва экологик маданият //Мулоқот.-2001.-№5.-Б. 43-44.

Каримов Б. Табиат ва жамият муносабатлари //Мулоқот.-2002.-№5.-Б. 35-36.

Каримов. И. Дарахтлар-табиат кўрки, тириклик томири ҳамдир: Табиатни, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, экологик ҳаракатларнинг олдини олиш // Ишонч.-2005.-11окт.

Мамажонов М. Табиат ва жамият уйғунлиги илми // Фан ва турмуш.-2001.-№5-6.-Б. 39.

Маматалиева Д. Экологик ва ижтимоий-иқтисодий омиллар: Атроф муҳитнинг ифлосланиши, экологик танглик ҳақида // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси.-2003.-№3.-Б. 63.

Маматшокиров С. Экологик барқарорлик омиллари: Тарих ва тараққиёт // Тафаккур.-2002.-№1.-Б. 12-13.

Маматқулов Р. Табиат ва жамият уйғунлиги: ёхуд экологик дунёқараш масалаларига доир айрим мулоҳазалар // Ҳаёт ва қонун.-2005.-№2.-Б. 68-69.

Маҳмудова Ш. Экология ва ёш авлод // Фан ва турмуш.-2001.-№1.-Б. 12-13.

Нишонов А. Табиатни асраш-оламни асраш: Атроф муҳитни асраш ҳақида // Экология хабарномаси.-2005.-№2.-Б. 15-16.

Орипов Д. Экологик таъсир, уни камайтиришга оид ҳуқуқий муаммолар: Чиқиндилардан атроф муҳит ва аҳоли соғлигини муҳофаза қилишни таъминлаш масаласи // Ҳаёт ва қонун.-2005.-№1.-Б.43-44.

Очилова Б. Табиатни асраш-ўзимизни асраш: Экология муаммолари // Мулоқот.-2001.-№3.-Б. 17.

Позилова С. Оилада экологик тарбия бериш: Экологик таълим-тарбиянинг узлуксизлиги ҳақида // Мактабгача таълим.-2002.-№7.-Б. 8-9.

Расулов А. Атроф муҳит озода бўлсин: Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг пойтахтимизда олиб бораётган ишлари ҳақида // Тошкент оқшоми.-2005.-26 май.

Расулова Д. Табиатга муносабат дунёқараш муаммоси: Экологик маданиятни ривожлантириш масалалари // Ҳаёт ва қонун.-2003.-№1.-Б. 79-80.

Раҳмонов Ф. Инсон ва табиат уйғунлигини таъминлайлик: Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида // Ишонч.-2004.-8 июнь.

Рўзиматов С. Она табиат олдида масъулмиз: Табиатни муҳофаза қилиш // Ишонч.-2005.-29 нояб.

Саидов А. Сихат-саломатлик йили: Ўзбекистон Республикаси экология муаммолари ҳақида // Ижтимоий фикр инсон ҳуқуқлари.-2005.-№1.-Б. 7-9.

Сокиев Қ. Она табиатни асрайлик: Атрофни муҳофаза қилиш // Ишонч.-2006.-6 янв.

Суюнов А. Набобат олами – ҳаёт малҳами: 5 июнь-Бутун жаҳон атроф муҳитни муҳофаза қилиш куни // Мулкдор.-2005.-3 июнь.

Тиллаева Н. Табиат эъзозда бўлсин: Экологик муаммолар ва уларнинг ечими ҳақида // Мулоқот.-2004.-№3.-Б. 43-44.

Толмасова Ш. Табиатни асрасак эртамизни асраймиз: 5 июнь-Халқаро атроф муҳитни муҳофаза қилиш куни // Ватанпарвар.-2005.-3 июнь.

Усмонов М. Табиат муҳофазасининг кафолати: Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ҳақида // Қишлоқ ҳаёти.-2005.-25 нояб.

Файзиева У. Табиат меҳрга мушток: Атроф муҳитни муҳофаза қилиш хусусида// Халқ сўзи.-2005.-4 июль.

Хожиматов А. Иқтисодиёт ва экология: Атроф муҳитни асраш ва табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш // Мулкдор.-2004.-28 май.

Холмўминов Ж. Табиий ҳудудлар муҳофазасида: Табиатни муҳофаза қилиш // Қишлоқ ҳаёти.-2005.-18 янв.

Шарафиддинов О. Экология ва маданият: Экология ва маданият соҳасидаги муаммолар ҳақида // Тафаккур.-2005.-№1.-Б. 7-9.

Шоимов Б. Экологик тарбия эҳтиёжи: мактаблар, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида таълим олаётган ёшлар томонидан экологик ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш // Ҳаёт ва қонун.-2005.-№3.-Б. 68-69.

Эшмуродов М. Экология маданиятми ёки эҳтиёж?: Экология маданияти муаммолари ҳақида // Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2004.-15 окт.

Қосимов А. Табиат, жамият ва руҳият уйғунлиги: Атроф муҳитни ҳимоя қилиш // Имом Ал-Бухорий сабоқлари.-2005.-№1.-Б. 38.

Ҳикматов И. Табиат муҳофазасига ким масъул?: Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва уни асраб авайлаш хусусида // Ишонч.-2005.-6 сент.

Мундарижа

Муқаддима	3
Экологик маданият шаклланиши тарихидан	6
Табиат, жамият ва руҳият уйғунлиги	12
Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни	15
Экология ҳақида буюқларнинг фикри	45
Билимдонлар беллашувини ташкил қилишга тавсиялар	46
Китоб-суратли кўргазмани ташкил этиш учун материаллар	50
Халқаро атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунига бағишлаб ўтказиладиган тематик бадий кеча сценарийси	50
Кутубхоналарда ўтказилиши мумкин бўлган тадбирлар туркуми	57
Адабиётлар	60

Босишга рухсат этилди 2006 йил “___”Сентябрь
Бичими 60x84 ¹/₁₆ нашр. т. 4 Адади 300 нусха.
Буюртма №

Тошкент, Ҳ.Сулаймонова кўчаси, 33. Алишер Навоий
номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонасида
чоп этилди